O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тиклониш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил, 5 январ | 1 (174)- сон

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН!

Рассом Гулнора РАҲМОН

КУЙЛАРИМ

Халқингга умидлар ёзасан,
Юрт деган кўнгилдай тозасан.

Эй мангу ҳайратлар манзили,
Илоҳий муҳаббат манзури.

Тангрига туташсан, Ватаним,
Юракдай оташсан, Ватаним.

Жаннатки, уфқлар чамани,
Орзуси жаҳонда ҳаммани.

Эрк сенинг остонанг ҳокида,
Номусинг юрагим чокида.

Бир зарранг қалбимнинг қасридур,
Куйларим руҳимнинг аслидур.

Сен эркдай ёруғсан, Туроним,
Кўз очмиш ишқингдан бу жоним.

Ёниб дил кўнглингга топингай,
Узро бир ўтингдан топилгай.

УЗРО

ХАЙРЛИ БЎЛСИН ҚАДАМЛАРИМИЗ!

*ФИРҚАМИЗ АЪЗОЛАРИ,
ЎҚУВЧИЛАРИМИЗГА ҚУТЛОВ*

ҚИММАТЛИ ЁРУ ЙЎЛДОШЛАР!

Меҳнат карвонимиз асримизнинг сўнгги йилига қадам қўйди. Сизга, ҳаммамизга илк тилагимиз шу: ХАЙРЛИ БЎЛСИН ҚАДАМЛАРИМИЗ!

Ўтган йиллар Ўзбекистон учун фаровонликнинг моҳияти ва манбайини англашга интилиш йиллари бўлиб тарихга кирди. Жамулжам халқимиз шуни тобора теранроқ тушуниб етмоқдаки, мамлакат ва халқ фаровонлиги учун бутун куч-қувватимиз, ақл-идрокимиз, ғайрат-салоҳиятимизни бағишласак арзийди. Мамлакатнинг фаровонлиги ва куч-қудрати ҳар бир унинг фуқаросининг фаровонлиги ва куч-қудратида ҳосил бўлади. Шунинг учун фаровонлик мавҳум бир тушунча эмас. У барчамизнинг ҳаётимизга тўғридан тўғри дахлдор, барчамизнинг ҳаракатимиз, қандай ишлашимиз, ишни қандай тушунишимиз ва қандай натижаларга эришишимизга боғлиқ. Кўп тажрибалардан маълумки, у ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Ялинган, ёлворган, илтижо қилган билан келмайди. Уни сўзлар билан ром қилиб, сеҳрлаб ҳам бўлмайди. Фаровонликнинг манбайи сизу бизнинг жаҳду жадалларимиз ва ислоҳотлар. Биз ўз ҳаётимизни яхшилашни истаймиз. Бунинг учун аввало ислоҳотларнинг ҳар бир соҳада, мамлакат ҳаётининг ҳар бир сониясида реал, сезиларли, салмоқли, аён кўзга кўринадиган, ишончли натижалар келтириши устида тинимсиз қайғуришимиз, шу ишларнинг билимлари, кўникмалари, малакалари, маҳорат сирларини ҳар жиҳатдан ўзлаштирмоғимиз керак бўлади.

Фаровонликка эришиш — кунларнинг реал талаби, кунларимизнинг идеаллари билан яшаш деганидир. Ўтган йиллардан маълум маънода қаноат ва қанот оламиз: ўтган йиллар идеалларимиз соф, мусаффо, тоза бир тарзда кўз ўнгимизда намоён бўлди. Ўтган йиллар биз идеалларимизни таниб олдик. Келажакка нималар билан боришимизни фикрлаб етдик. Ва хусусан, инсон ва оила идеалларини теранроқ, кенгроқ, ҳозирги замон ва ҳозирги жаҳон миқёсларида англашга интилдик. Ўзбекистон Президенти, Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари кўмагида бу интилишларимиз кучайиб бормоқда ва бундан буён ҳам кучайиб боради. Ўтган йил биз миқёс тушунчасига янги ургу бердик. Ҳа, МИҚЁС! Инсон ва миллий оилани англашимизда ростдан ҳам, миқёс пайдо бўлди! Бизда — буни ишонч билан айтиш мумкин — оилани жамиятнинг олдинги марраларига олиб чиқиш истаги жўш урди. Бугунги оила етти-саккиз йил бурунги оилалардан тубдан фарқ қилади! Янги, маданий, маърифатли оила бунёдга келаётганлигини ҳамма кўриб турибди. Шу янги оила, янги маърифат ўчоқлари, янги демократия институтлари, янги маҳалла — ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЮЗАГА ЧИҚАРГАН ЭНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРИДИР.

Маърифатли, қобил, мураббий оилагина биз интилаётган, орзу қилаётган фаровонликни ўзлаштира олиши, фаровонликни эгаллай олиши, ва энг муҳими, фаровонликни созлай олиши, ярата олишига ишонч ҳосил қилдик. Инсон ва оила идеалларини биз кунларимизнинг идеаллари деб қабул қиларканмиз ва шу йўлда меҳнат қиларканмиз, уларни таълим идеалларини ҳар томонлама рўёбга чиқаргандагина барқарор, доимий ҳаракатдаги, юрагимиз ва ақлимизда дам сайин акс-садо топадиган ҳаёт ҳодисасига айлантира оламиз. Биз инсон ва оила идеалларини АЁЛ ИДЕАЛЛАРИ — унинг ислоҳотларимиздаги ўрни, соғлом авлодни етиштиришдаги ўрни, ҳаётни гўзаллик мезонлари асосида қуришдаги ўрни билан чамбарчас боғлаймиз.

Ўзбекистонда демократия институтлари кун сайин тараққий этаётгани, тармоқ отаётгани — ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари, лицейлар ва коллежлар тимсолида ўта замонавий ҳаракатчан ўқув даргоҳлари, замонамизнинг энг ёрқин воқеаларидан бири — фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш йиғинлари кучга кираётгани — улар кунларимизнинг идеаллари билан яқиндан, кундалик ҳаётда шуғулланаётгани — келажагимизнинг уфқлари аён ёриша бошлаганидан далолатдир.

Муносиб яшаш, муносиб ҳаёт қуриш, ҳамкорлик қилиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, истиқлол манфаатларидан келиб чиққан ҳолда яхши ишларга рағбатлантириб бормоғимизни Яратганнинг ўзи бизга ҳам қарз, ҳам фарз қилиб уҳдамизга қўйгандир.

Мамлакатимиз меҳнат ва изланиш руҳи билан нафас оларкан, бошқа барча жамоат ташкилотлари қатори Миллий тикланиш партияси сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий, маданий ислоҳотлар ичида ўзини излаётганини қайд қилиб ўтиш ўринлидир. Бошқа сиёсий фирқалар каби у олижаноб заминга олижаноб, тоза уруғларини сочяпти. Сиёсий партия худди уруғ сочаётган деҳқон каби умид билан яшайди. Уруғлар соғлом униб чиқиши, ҳосил бериши учун ишлайди. Бизнинг соғлом, келажаги бор уруғларимиз — миллий тикланиш ғояларидир. Соғлом, ҳаётий ғоялар атрофида бирлашган партия унинг сони ва ўзга аҳволидан қатъи назар, ўз кучига эга партиядир. Барча партия аъзоларининг мана шуни — кунларимизнинг тотли идеалларини ҳис қилиб, англаб ишлашлари — бизга куч-қувват бахш этади. Миллий тикланиш партиямиз, унинг фаол аъзолари катта ҳаёт тўлқини юзага чиқарган демократия институтлари ичида, уларнинг мустаҳкамланиши, ҳаётимизни кенг қамраб олиши, равнақи йўлида иш олиб борадилар, деб умид билдирамиз. Зотан, партия ўз сиёсий, ҳаётий манфаатларини мана шуларда кўради. Шуларни мақсад қилиб иш олиб боради.

Бугун муборак кунларнинг янги умидли саҳифаларини очиб, эски, синалган дўстлар, янги ориф ҳамроҳлар, навқирон шогирдлар, маърифатли бирodarларимиз — уларнинг тоза ўй-хаёллари, ғайратли фикри, толега ёр гўзал интилишлари билан саҳифаларимизда учрашмоқдамиз. Эски ҳамкорлар қаторига янги ҳамкорлар келиб қўшилди. Биз ватандошлик, маслакдошлик, орқадошликдан ҳар биримиз куч ва илҳом оламиз. Биз бир-биримизни маънан, руҳан, инсофан бойитиш учун яшаймиз. Шу йўлда ишлаганлар қаримайдилар. Уларга ҳамиша навқирон илҳом ёр бўлгай!

Азиз дўстлар, фирқадошлар! Азиз ўқувчилар!

Сизни Янги йил билан чин дилдан қутлаймиз! Сизларга жамият ишларида самимий фаоллик, оилавий бахт-саодат, ижодий баркамоллик тилаймиз!

Ватан учун ҳамкорлик қилайлик!

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ПАРТИЯСИ РАЁСАТИ

"МТ": Воқеалар, хабарлар

БИОЛОГИК ВУЖУД АБАДИЯТ ҚУЧОҒИДА

СЛОВАК РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

Янги йил арафасида Тошкентда «Дийдор» реклама-ахборот фирмаси залида Словакия рассомларининг ёрқин кўргазмаси очилди. Кўргазмани очиш маросимида Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Муваккат ишлари вакили жаноб Йозеф Мачишак пойтахт жамоатчилиги намоёндалари, хориж элчихоналари вакиллари, мухлисларни словак рассомларининг ижоди билан таништирди, Ўзбекистон-Словакия ўртасидаги муносабатлар турли соҳаларда ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Ўзбекистон Маданият Ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Отаназар Матёқубов кўргазма икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларнинг кучайиб боришига хизмат қилади деб айтди.

Словак рассомлари Ярмила Велка, Душан Секела, Даниел Биделницанинг кўргазмага қўйилган асарлари жуда катта таассурот қолдирди.

Ҳар учала рассом ҳам эллигинчи йилларда туғилганлар. Уларнинг асарлари кўп Европа мамлакатлари бадиий кўргазмаларида, симпозиумларда намойиш этилган. Уларнинг бадиий усуллари ёрқин, ўзига хос, бетакрор. Булар куб, квадрат, учбурчак ва бошқа шакллар ёрдамида ажойиб-ғаройиб композициялар яратадилар. Одамнинг етти ухлаб тушига кирмайдиган асарлар. Улар ўз композицияларида абадият, азал ва ўткинчилик, дунёнинг мудом товланиб, ўзгариб, янгиланиб туриши, замоннинг буқаламунликлари, биологик вужуднинг тажаллиси ва яна бошқа кўп олам ҳодисалари ҳақида фикрлайдилар. Бу суратларда шакллар ичидан шакллар ва яна шакллар келиб чиқади, бир-бирига мингашади, киришади, кўтарилади, тушади. Ва узоқ-яқиндан қарагинингиз сайин тасаввурингизга янги оламлар зуҳуротини таклиф этади. Агар рассом ўз асарини «Чексизлик сирлари» деб атаган бўлса (Ярмила Велка) — бу ҳақиқатда ҳам сир-синоатга тўла поёнсизлик. Агар санъаткор сизга ўз асарини «Биологик вужуд» деб тақдим этаётган бўлса (Даниел Биделница) бу чиндан ҳам, ҳайротомуз тарзда талқин этилган инсоннинг биологик кўринишидир.

Ўзбек мусаввирларининг санъати усулларидан бутунлай ўзгача йўл-йўналишларда яратилган словак рассомларининг бу каби асарлари одамни ўйлатади, тасаввур қобилиятини кучайтиради, фантазияга эрк беради. Санъатнинг янги дунёларига олиб киради.

Биз словак рассомларидан бир гуруҳининг ижод намуналари билан яқиндан таништиргани учун Словакия элчихонаси, Ўзбекистон-Словакия жамияти, «Дийдор» реклама-ахборот фирмасидан миннатдормиз.

И. ҒАФУРОВ

Газетахонга ўн савол

МИЛЛИЙ МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ

У НИМА?

«МТ» 1999 йилда ўз ўқувчилари, мухлислари, хайрихоҳлари билан «тиллашиб», «дардлашиб, баҳслашиб» туришни истайди. «МТ» ўз бахтини зиёли ўқувчининг ҳақиқий минбари бўлишликда кўради. Замон олдимизга кўп саволларни қўйяпти. Ҳар бирининг жавоб талаб қиляпти. «МТ»ни шу саволларини диққат билан ўқинг. Ўйлаймизки, улар сизнинг юрагингизда ҳам бор. Йил давомида шу саволлар атрофида фикрлашиб турайлик. Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз саҳифаларимизни безайди деб ишонамиз.

1. Сизнингча, миллий фахр туйғуси мурғак қалбда қачондан бошлаб уйғонади, уни нималар уйғотади. Ва таъбир жоиз бўлса, миллий нафсоният-чи? Ўзингиз бу-ларни илк бор қай тарзда ҳис қилгансиз?

2. Ватан эркини, шу жумладан миллат эркини кўпроқ нима асрайди? Нима ёки қандай куч, қандай одамлар ва қай йўсин-шаклларда унга дарз етказиши мумкин. Шу маънода биз нималарга кўпроқ ҳушёр бўлишимиз керак?

3. Миллий масъулият тушунчасининг мазмун-моҳиятини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

4. «Катталар» газеталари болаларнинг миллий тарбиясида бевосита иштирок эта оладими? Бу зарурми ёки сизнингча бу билан болалар нашрлари шуғулланиши маъқулми?

5. Аёлларнинг миллат ҳаётида, уни асрашда, умуман, миллатга таъсири ҳақида нима дея оласиз?

6. Қандай куй-қўшиқларни кўпроқ тинглайсиз? Улардан қандай ҳузур оласиз? Фарзандларингиз ёки ўқувчи-шогирдларингизнинг қандай куй-қўшиқларни тинглаётганига жиддийроқ қизиқиб кўрганмисиз? Мусиқа таъсирида уларнинг руҳиятида, маънавиятида кечадиган ўзгаришлар сизнинг тарбиянгизни осонлаштиргани ёки қийинлаштирганини кузатганмисиз?

7. Халқ орасида кўп айтиладиган «мусулмончилик» тушунчаси билан миллийлик тушунчаси моҳиятан ҳам, ҳаёт тарзимизда ҳам деярли бирдай бўлиб кетгани ҳақидаги фикрингиз? Айниқса, фарзанднинг ота-онага, шогирднинг устозга, аёлнинг эрга бўлган муносабатида шу икки тушунчанинг бирлиги яққол сезилади. Замонамизда бу муносабатлар миллийлик даражасидами, сизни ўйлантирадиган томонлари мавжудми, бу муносабатларда даврлар нуқтаи назаридан нималарни йўқотдигу нималарни топдик. Ёки нималарни йўқотяпмиз ва топяпмиз? Шу билан бирга, миллий истиқлолга эришганимизнинг айнан шу жиҳатларга қандай таъсирини кузатяпсиз?

8. Ҳар ҳолда буни ҳаёт дейдилар, ёвузлик ва макр ҳамиша яхшилик билан курашиб келади. Бу кураш кенг-тор, турли доираларда гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кечади. Сир эмас, миллат фақри бўлган кишиларнинг йўлига тўғанок бўлишга уринувчилар шу билан миллат йўлига ғов бўладилар. Бундайлар шу миллат фарзанди бўлса янаям ёмон ва аянчли. Улар ўзини ўзига нима билан оқлаши мумкин?

9. Табиийки, ичиш ва чекишнинг (шулар билан тенг қаторда ахлоқий бузилишнинг) ёзиб қўйилганидек — «соғлиқ учун зарарли» эканлигини ҳамма билади, тарбияга таъсири ҳам аён. Энг ёмони, бу билишимиз оддий ҳаёт тарзига айланиб кетган. Кишилар нафас олаётганига қанчалик бепарво бўлса, шу зарарга ҳам кўпинча шундай даражада бепарводирлар. Мабодо бир-бировига бу йўлдан қайтиш қайсидир шаклда айтилса, «шахс эрки», «инсоний ҳуқуқ» каби атамалар билан қонуний оқланишга ўтадилар. Ичиш, чекиш ва ахлоқий бузилишнинг миллий руҳиятга таъсири қандай кечади, миллий тарбиянинг қандай усуллари бу борада ёрдам бериши мумкин?

10. «Отангга раҳмат» деган сўзни кўпроқ эшитиш бахтига муяссар бўлганмисиз ва ёшларга ўзингиз ҳам айтиб қувонганмисиз? Ёки акс ҳоллар кўпроқ учраганми?

Таҳририят

ЙИГИТ КЕЛАЖАК САРИ!

Бир ўқ атрофида айланар дунё

МАРСДА МУЗЛИК БОР ЭМИШ...

Америка коинот агентлиги — НАСА Марс (Миррих) сайёрасига кеча само кемасини учирди. Кема Марсга учиб бориб, унинг Жанубий қутб қисмида сув манбаларини қидиради. Америка олимлари кўп вақтлардан бери Марсда музлик борлигини башорат қилиб келадилар. Само кемасидаги нозик илмий аппаратлар Марсда муз борми-йўқлигини аниқлайдилар. Кемадан туширилган робот Марсда қазиш ишларини ўтказади. Робот Ерга Марсда олинган суратлар ҳамда Марсдаги овозлар ёзилган лентани жўнатади.

Америка олимлари келажакда Марсга фазогирларни чиқариш устида ишламоқдалар.

МОЛДОВА АЁЛЛАРИ ХОРИЖГА ЖЎНАМОҚДАЛАР

Камбағалчилик кўплаб Молдова аёлларини хорижий мамлакатларга кетиб ишлашга мажбур қилмоқда. Фақатгина битта Карпиена қишлоғидан 2 мингга яқин аёллар янги йилни чет элларда, ўз оилаларидан олисда кутиб олдилар. Улар иш қидириб Туркия, Юнонистон, Италия, Испания сингари мамлакатларга жўнаб, у ерларда уй хизматкори, бола боқувчи, энага каби юмушларни бажармоқдалар.

САВИМБИ УЧОҚЛАРНИ УРИБ ТУШИРАДИ...

Анголадаги мухолифатчи террористик ташкилот ўз етакчиси исёнчи Савимби қутқуси билан кейинги вақтлар ичида олтита йўловчи ташийдиган учоқни уриб туширди. Декабрнинг охирларида эса УНИТА БМТга тегишли самолётни ўққа тутди. Уриб туширилган самолёт экипажи ва йўловчиларнинг тақдири номаълум. Ҳукуматга қарши бу жиноятқор гуруҳ халқаро ташкилотларга қарши иш тутмоқда.

НАВОЗ ШАРИФГА СУИҚАСДМИ?

Лоҳур шаҳри яқинида катта кўприк остида жуда кучли бомба портлади. Навоз Шариф ўзининг шаҳар чеккасидаги чорбоғига шу кўприкдан ўтиб борарди. Кўприк портлаши натижасида шу ерлик икки деҳқон ҳалок бўлди.

Навоз Шариф бу кўприкдан портлаш содир бўлган вақтдан икки соат кейин ўтиши керак эди.

Қўпорувчиликда шубҳа остига олиниб, 12 киши қамалди.

1999 йилингиз ризқ-насибали бўлсин!

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Чет эл матбуоти Ўзбекистон ҳақида

1998 йил мустақил давлатимиз ҳаётида тарихий ва унутилмас воқеаларга бой бўлди. Чунончи, сентябр арафасида истиқлолимизнинг 7 йиллигини байрам килган бўлсак, орадан бир ярим ой ўтгач, бутун мусулмон Шарқига маълум ва машҳур бобокалонимиз — ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини ва буюк риёзатчи, астроном, табиатшунос олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини кенг нишонладик. Шу муносабат билан кўҳна ва навқирон Самарқандда ҳамда гўзал Фарғонада илмий анжуманлар ўтказдик. Бу тантаналарда жаҳоннинг турли мамлакатларидан, хусусан, мусулмон Шарқи мамлакатларидан ўнлаб ҳадисшунос олимлар, адибу шоирлар, журналистлар қатнашдилар. Улар ўз юртларига қайтиб боргач, турли газета ва журналлар орқали ватандошларига ўзбек диёридаги анжуманлар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Жумладан, покистонлик йирик олим Аҳмад Ҳасан Доний ўзининг «Келажаги порлоқ давлат» номли суҳбатида Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган анжуманлардан олган таассуротлари ҳақида шундай деб ёзади: «Мен бундан икки йил бурун Президент Ислом Каримовни кўрган эдим. Ҳозирги Ислом Каримов ўз мамлакати билан бирга жуда ўзгарган. Унинг ўз халқига, она — Ватанига, айниқса, аждодларига кўрсатаётган ҳурмат-муҳаббати, олиб бораётган ишлари катта таҳсинга сазовордир.

Бу галги сафар чоғи ҳурматли Ислом Каримов жанобларини икки буюк алломанинг таваллудига бағишланиб ўтказилган тантаналарда кўрдим. Ул зотнинг Ўзбекистоннинг ажнабий дўстлари қалбида бир умрга қоладиган тантаналарда бошидан охиригача қатнашишлари, бош-қош бўлишлари, мароқли ва сермазмун маърузалари бизда чуқур таассурот қолдирди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат ишлари бошидан ошиб-тошиб турганига, ҳар бир дақиқалари ўлчовли бўлишига қарамай, жаноб Президент буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ва фалакиёт илми — риёзатни жаҳонга танитган Аҳмад ал-Фарғонийдек сиймоларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, мустаҳсан бир иш қилди.

Бизга маълумки, шўролар давлати даврида не-не миллий қадриятлар оёқости қилинган, ер қаърига киритилиб юборилган эди. Президент Каримов уларни тиклашда ва жамият ҳаётида қарор топтиришда зўр саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Ёниб яшаб, ёш авлодни миллий қадриятлар, буюк аждодларга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашга ўргатмоқда. Маданиятимизни жаҳонга танитишда ҳормай-толмай катта иш юритмоқда. Биз икки кун ичида қадимий ва навқирон Самарқанд ва Фарғонада бир-биридан чиройли, ям-яшил майдонларни, кўчаларни, кўзни қамаштирадиган биллур чироқларни, кишига ҳузур бағишловчи фаввораларни кўриб лол қолдик...

Президент Ислом Каримовнинг обрў-эътибори нафақат ҳамдўстлик мамлакатларида, балки хорижий Шарқ мамлакатлари ўртасида ҳам баланддир... Ислом маданияти бизга кўпроқ Арабистон орқали эмас, Марказий Осиё орқали кириб келган. Шунинг учун расм-русумларимиз, анъаналаримиз, байрамларимизда, ҳатто тилимизда ҳам муштарак томонлар кўпдир.

Биз бир дарахтнинг шохларимиз. Шу ўринда севимли шоиримиз Муҳаммад Иқболнинг қуйидаги тўрт мисрасини эслашни жоиз деб биламиз.

На афғонмиз, на туркмиз,
на тотормиз,
Ҳар биримиз бир гул — бирга
гулзормиз.
Ирқ ажратмоқ бизга тамом
бегона,
Бир қуёшдан баҳра олган
баҳормиз.

Икки буюк давлат, халқ ўртасидаги алоқалар юқори чўққиларга кўтарилишини истайман. Менга қадрдон бўлган, меҳмондўст ўзбек халқи, унинг доно Президенти омон бўлсин. Уларга муваффар доимо ёр бўлсин!»

«Покистон обсервер» газетаси ва урду тилида чоп этиладиган «Ҳурмат» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари, йирик журналист Файсал Зоҳид Малик анжумандан олган таассуротларини ушбу нашрларда чоп этди. Бу мақолаларда шундай сатрлар битилган: «Анжуманда сўзга чиққан машҳур олим уламо ва ёзувчилар ўз маърузаларида Имом Бухорий ҳадисининг энг ишонарли тўплами «Саҳийҳ ал-Бухорий»ни тўплаб, улуғ иш қилганини таъкидладилар. Мазкур асар неча асрлар муқаддам ёзилганига қарамай, Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида бутун ислом оламида ҳозиргача юқори баҳоланиб келаётганини эътироф этдилар. Маърузачилар Бухорий тўплаган ҳадислар фақат шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмай, меҳр-оқибат, сахийлик, очиққўнгиллик, ота-она ва катталарга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, халқаро дўстлик каби инсоний фазилатларни ҳам ўзида жамлаганини уқтирдилар... Алломанинг ўлмас асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса-ю дорилфунунларида пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари бўйича асосий қўлланма, дастуриламал ҳисобланишини баён қиладилар. Уларнинг сўзларига кўра, Имом Бухорий Ўзбекистоннинг чинакам фахри ва ифтихоридир».

Покистон Ислом Республикасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон элчихонаси кўмагида «Покистон Обсервер» газетасининг 10—11 ноябр сонида эълон қилинган «Ўзбекистон Имом ал-Бухорийни улуғламоқда» сарлавҳали мақолада шундай фикрлар билдирилган: «Ташрифимизнинг иккинчи куни махсус самолётда Самарқандга келдик. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти раислик қилган расмий очилиш маросимидан сўнг маърузачилар учта турли семинарларда қатнашдилар.

Маърузалар Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижодининг деярли барча қирраларини қамраб олди:

«Имом Бухорий ва унинг замонаси».

«Имом Бухорий авлодлари».

«Имом Бухорий ва ҳадис илми».

«Имом Бухорий — муҳаддислар султони».

«Ҳадис илми Имом Бухорийдан аввал ва кейин».

«Имом Бухорий ровийлари».

«Имом Бухорий ҳамда Марказий Осиё аҳолисининг тарихий илми».

Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ўнлаб олимлар Имом Бухорийнинг дин йўлидаги хизматларига тасанно айтиш учун маърузалар қилдилар. Ватандошимиз профессор Белудж «Ал-жомеъ ас-Саҳих»нинг Ҳиндистон ва Покистонда ўрганилиши ҳақида фикр юритди.

Анжумандан сўнг Имом Бухорий дафн этилган, унинг мақбараси устига янги, жуда гўзал гумбаз барпо этилган қишлоққа бордик. Янги масжидда намоз ўқигач, тушлик қилдик. Пешинда барчамиз машҳур Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг етиб келишларини кутдик.

Президент Ислом Каримов анжуман қатнашчилари билан қўл бериб кўришганларидан кейин мақбара олдига бордилар. Ўзбекистон мусулмонлари муфтийси Қуръондан бир оят тиловат қилиб бўлгач, Президент Қуръони каримдан ва Имом ал-Бухорий ҳадисларидан намуналар келтириб, жуда кучли нутқ сўзладилар. Бу олиму уламоларда чуқур таассурот қолдирди. Сўнг Имом Бухорий қабрларини зиёрат қилиб, фотиҳа ўқидилар. Севимли Президентнинг ушбу фазилати мусулмон давлатлари вакиллари томонидан юқори баҳоланди.

Конференция иштирокчилари ўзбекистонликлар мустақилликка эришганларидан сўнг номлари унутилаётган кўплаб алломалари шухратини қайта тиклаётганларининг гувоҳи бўлдилар.

«Истиқлолингиз муборак! Ўзбек халқи, унинг юртбошиси омон бўлсин», дедилар.

Ўзбекистонда Имом Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудларига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманлар Покистоннинг нуфузли журналларидан бири «Ҳурмат»да ўз ифодасини топди. Журналнинг ноябр ойида чоп этилган сонларида «Покистон Обсервер» газетаси муҳаррири ўринбосари Файсал Зоҳид Маликнинг Имом Бухорийга, Мустақил Ўзбекистонга бағишланган туркум мақолалари босилди. Чунончи «Ўзбекистон ҳақида чексиз таассуротлар», «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг чет эллик меҳмонлар билан учрашуви», «Меҳмоннавоз ўзбек халқи», «Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийга бағишланган анжуманлар» ҳамда Ўзбекистон Президенти тўғрисидаги суратли лавҳалар шулар жумласидандир. Журнал ўз ўқувчиларига Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берди.

Файсал Зоҳид Малик туркум мақолаларида мана бундай фикрларни олга сурган:

«Ўзбекистон бутун мусулмон Шарқи давлатларида маълум ва машҳур аллома, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ва буюк табиатшунос олим Аҳмад ал-Фарғонийлар ватанидир. Уларнинг таълимотлари мустақил Ўзбекистонда кенг тарқалганининг яққол гувоҳи бўлдик.

Ўзбекистон халқи ўз аждодларига катта ҳурмат билан қараб, уларга таъзим бажо қилмоқдалар, номларини ва таълимотларини бутун жаҳонга ёймоқдалар. Ислом маданияти Осиё қитъасига Марказий Осиё орқали кириб келгани ҳақиқат...»

Файсал Зоҳид Малик мақоласини шундай якунлайди: «Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг демократик давлат қуриш ишидаги хизматлари катта. Ўзбек халқи дин ва эътиқод эркинлигига эга бўлди. Президент ўз мамлакатининг тараққиётини таъминлаш ва турмушини яхшилаш борасида ҳормай-толмай тинимсиз меҳнат қилмоқда. Президент маърузалари якунида «Ўша даврда яшаб ижод этган буюк мутафаккирлар ва олимлар нафақат ўзбек халқининг, балки бутун мусулмон дунёсининг фахридир», дедилар.

Буюк олимнинг асарлари мусулмон дунёсида абадий яшасин».

Саъдулла ЙЎЛДОШЕВ,
доцент

Фалсафий гурунглар

МАЪНАВИЯТ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ЁХУД ВАЗИЯТДАН ХУЛОСА ЧИҚАРАЙЛИК

Ўзбекнинг «бўладиган эл бир-бирини ботирим дер», деган ҳикматли нақли бор. Бунинг маъноси шуки, униб-ўсадиган юрт фарзандлари доимо бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Президентимиз ўз нутқларида таъкидлаб кўрсатаётгандек ғанимларнинг ўртага нифоқ солишига йўл бермайди... Яна миллатимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк зотларимизнинг қадрини ўрнига қўйиш уларни ўзимизга, жаҳон аҳлига танитиш ҳамда шундан ғурурланиш, руҳланиш деб тушунишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда жамиятимизда миллий қадриятларимизни тиклаш борасида олиб борилаётган ишлар Ўзбекистондаги барча фуқароларда ўзининг ўтмиш меросига: бой тарихи, юксак маданияти ва ибратли қадриятларига нисбатан фахр туйғусини уйғотмоқда. Энг асосийси, ўзимизни инсон сифатида, миллат сифатида қадрлаш, ўзимизга бошқалар томонидан ҳам шундай муносабатни қарор топтириш хусусиятига эга бўлмоқдамиз. Яқинда жаҳон илм-маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган икки буюк алломамиз — Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд тўйларини халқаро миқёсда нишонладик. Бу тантаналар сурури ҳали қалбларимизни тарк этгани йўқ. Хурсандчилигимизни баҳам кўриб, байрамларда иштирок этган хорижий давлат вакиллари эътирофи-чи? ! Мана уларни тинглang:

АҲМАД ХОЛИД АЛКУЛЕ — Кувайт амирлиги Адлия ва ислом ишлари вазири:

«Имом Бухорий ҳазратлари ислом тарихининг энг буюк сиймоларидан биридир. Шу боис бутун дунё мусулмонлари ул зотнинг қадрини баланд тутиб, илмий меросини авайлаб-асраб келмоқда. Яратганга шукрки, Имом Бухорий ҳазратларининг ижодий мероси билан бир қаторда хоки туроби ҳам ўз ватанида иззат-эътибор топди. Дунё мусулмонларининг бу азиз жойни зиёрат қилишларига кенг йўл очилди.

Шу каби дунё илмининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган Аҳмад ал-Фарғонийнинг ижодий меросидан ҳам халқимиз яхши хабардор. Шундай улуғ ватандошларингиз сабаб юртингизга ҳам эҳтиромимиз улуғдир. Биз қувайтликлар Ўзбекистонга ҳавас билан қараймиз».

ЭҲСОН АБДУЛЛАТИФ — Уммон университети мударриси:

«Мамлакатингизда ўтмиш меросга, тарихга, шу заминда туғилиб, вояга етган улуғ алломалар хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилаётгани таҳсинга лойиқ. Мисол учун ўтган йили қадимий шаҳарларингиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйларида ҳам қатнашган эдим. Ўшандаёқ ўзбек халқининг ўз тарихини, бой маданий меросини нақадар эъзозлашига амин бўлган эдим».

Бундай эътирофларни истаганча келтириш мумкин. Муҳими, улар қуруқ нарса эмас. Жаҳон халқлари наздида ҳам республикамизнинг ривожи жадал кечаётганлиги яққол кўриниб турибди.

Президентнинг халқ билан, оддий фуқаролар билан учрашувидаги самимий, илиқ муносабатлар хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларда ҳам чуқур таассурот қолдирди. Етти ёшдан етмиш ёшгача кексаю ёш, аёл кишиларнинг яқиндан туриб кўришиш, қўл бериб сўрашиш учун ўз Президентига талпинганини, халқда шундай мулоқотга истаку иштиёқнинг нақадар кучли эканлигини, энг муҳими, бу интилиш самимий, юракдан бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Бу муносабатларда биз нафақат халқнинг ўз Президентига ишончи, ҳурматини, балки давлат раҳбарининг ҳам халққа меҳр-муҳаббатни кўрдик.

Айтиш керакки, тўй ва бошқа маъракалар ҳақидаги Фармон ҳам, яқинда бўлиб ўтган Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида кўрилган масалалар ҳам моҳият эътибори билан аввало оддий фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу жамиятда халқ ҳокимга эмас, ҳоким халққа хизмат қилиши лозимлиги уларда асосий қоида бўлиб янгради.

Давлатимиз сиёсатини олиб боришда катта ваколатлар билан тайинлаб қўйилган раҳбар шахснинг роли, унинг жамият олдидаги масъулияти ва бурчи ниҳоятда катта. Агар раҳбарнинг маънавияти бут бўлса, аввало ўзи ишларида тўғри бўлади. Кўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилади. Бундай кишилар фидойи бўлишади. Халқ қалбини, унинг истак-эҳтиёжини ҳис қилиб яшайди, шуларга жавоб топади.

Аксинча, маънавияти кемтик амалдорнинг иши ҳам шунга яраша бўлади. Бу жойда ошна-оғайничилик, ўз мансабини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, қонунбузарлик, кўйингки, бошқа иллатлар авж олади. Адолат паймол бўлади. «Энг ёмони, раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончи йўқолади. Бундай жамиятдан барака кетади. Аҳоли ўртасида турли тортишувлар ва норозиликлар пайдо бўлади». Бундай вазиятда аҳолининг салбий ҳолларга нисбатан эътирози, норозилигидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланадиган кучлар ҳам дарров топилади. Айниқса, «ҳақиқий ислом тарғиботчилари, адолатпеша» ваҳҳобий ақидапарастларнинг, чеккалардаги нодўстларнинг бу борада тажрибалари анча катта.

Ўз давлатидан маст бўлган амалдор бойвачча қуюшқондан чиқиб, меъёрларни менсимай, ўзлаштирган давлат ва халқ мулки ҳисобидан шоҳона тўй қилса. Хизматга бел боғлаб турган гумаштаю содиқларнинг ҳисоби йўқ. Бири ҳатто базм учун катта юк машинаси билан ичимлигини муҳайё этиб қўйса. Шуҳратпарастлик, ўзни кўрсатиш орқасида қилинаётган бундай дабдабабозликлар, исрофгарчиликлар бугунги ўтиш даврида турмуш қийинчиликларига учраб турган халқимизни янада озурда қилмайдими. Шундай пайтда бир ғаламиснинг «Сизлар қишда болангиз оёғига кийим, мактаби учун дарслик олиб беролмай турибсизлар, бу одамларининг маишатини кўринг» қабилидаги писандаси, давлат кишиларига шу орқали давлатимизга бўлган ишончни тебратиб қўймайдими?! Баъзи бир ҳаволаниб кетган бундай амалдорлар ўзларининг шу каби ножўя ҳатти-ҳаракатлари билан ваҳҳобийликка ўхшаган тоифаларнинг ғоясини озиқлантираётганини, бу билан жамиятимизга зарар етказаётганликларини тушунмаяптилар.

Ҳар қадамимизни пойлаб, қулай имконият кутиб турган бузғунчилар энди йўқ, ички ва ташқи хавфсизлигимиз дахлсиз деб ўйлайсизми. Бир мамлакатнинг ўзидаги диний ва бошқа айиримлар сабаб, яна ўша ваҳҳобийлик билан боғлиқ диний низолар тинчигани йўқ. Узоққа бормайлик, Чеченистон дейсизми, Доғистон дейсизми ёки ён қўшниларимиз Тожикистон ва Афғонистондами шу кеча-кундузда юз бераётган воқеалар, қонли тўқнашувларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Буларнинг олдини олиш аввало маънавиятимизни юксалтириш билан ҳал қилинади. Шу сабабли президентимиз муносиб турмушимиз учун зарур бўлган иқтисод ҳақида бир марта гапирганда, маънавият ҳақида икки-уч бор кўп гапирадилар. Зотан, «Менинг учун иқтисодиётдан кўра маънавият минг марта устунроқ», «XXI асрни маданият ва маънавият қутқаради» деганларида инсоният, шу жумладан, халқимиз келажаги билан боғлиқ ҳақиқат ётибди.

«Ақидапарастлик одамларга ҳамиша кулфат ёғдирганига тарихдан ҳам, бугунги кунда ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ва уларнинг «намояндалари» бугунги кунда қўлларига қурол олишиб, одамлар ҳаётига таҳдид солаётган экан, бу ақлга сиғмайдиган ҳодиса. Мен, табиийки, бундай ножўя ҳаракатларни, ушбу ҳаракатига бошқош бўлаётган айрим хорижий ақидапарастларни буткул қоралайман. Барча динлар, жумладан, ислом дини зўравонликни, одамлар ҳаётига тажовузни ҳудога шак деб биладилар, демак, уларнинг бу қабиҳ ишлари Оллоҳга шаккоклик қилишдир. Иккинчидан, кимлардир минтақамизда ҳукм сураётган тинч-тотув ҳаётни ана шу тарзда бузишга уринаётган кўринади. Бу ҳол эса барчамизни сергак бўлишга ундайди. Дунё, инсоният мавжуд экан, эзгулик ортидан ёвузлик қадам-бақадам одимлай беради ва одамлар бу иллатнинг туб моҳиятини очишдан асло толмайди».

Бу асарларида инсонни улуғлаган, туркий халқлар адабиёти шаънини дунё миқёсига олиб чиққан Чингиз Айтматовдай мутафаккир ёзувчининг ваҳҳобийлик сингари ақидапараст, экстремистик оқимларнинг ноинсоний хатти-ҳаракатларидан жиддий ташвишга тушиб айтган гапларидир.

Мустақилликка эришгач, ҳукуматимиз исломий ва унга кетган миллий қадриятларимизнинг бугунги давримизга мос равишда тараққий этишига барча имкониятларни яратиб берди. Масжидлар ташкил этилиши, диний ўрта ва олий ўқув юртлари, илмий текшириш масканларининг иш бошлаши, оёққа туришига кўмаклашди ва ҳозир ҳам бундай эзгулик тарафдорларига эзгулик ёрдамини бериб келмоқда. Советлар даврида бузиб ташланган, харобга айланган тарихий улуғ жойлар — мадрасалар, жомеъларни давлатимиз ўз маблағи ҳисобидан тиклаб, таъмирлаб ёки янгидан қуриб диний жамоаларга топширмоқда, диний масканларнинг жиҳозланишига кўмаклашаяпти.

Бундан ташқари ўтган етти йил давомида тарихда Ислом оламида буюк из қолдирган улуғ уламоларимизнинг юбилейларини ўтказишни халқаро миқёсда фаол ташкил этмоқдаки, бу соҳада ҳеч бир ислом давлати ҳеч бир замонда Ўзбекистончалик жонбозлик кўрсатган эмас. Ўзбекистоннинг бунчалик ташаббускорлигига бутун ислом олами таҳсин айтмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонга эътибор қаратган ҳар бир жамият албатта бирор мақсад билан боқмоқда. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ниятда бўлмаслиги мумкин. Чунки ахборот алмашинув жараёни жуда ривожланиб кетган бугунги ҳаётимизда эзгу ва ёвуз ниятли мафкуралар ҳам қоришиб кетмоқда... Бундай ёвуз фикрлаш тарзининг кўплаб одамларни ўз таъсирига қисқа вақт ичида тушириб олиши ва фожиали оқибатларга олиб келишини бошимиздан кечирдик. Буни олдини олиш нафақат давлатнинг, балки бутун жамиятнинг вазифаси бўлмоғи керак. Қачонки халқ бирлашар экан ва ўз ҳаётига мос келадиган, ўз урф-одатларига мувофиқ ва тараққиёт ҳамда гуллаб-яшнаш йўлида давлатнинг асосий бўғинига айланар экан, ўшандагина турли ёвуз ғоялар, ёлғон мафкуралар бу мамлакат фаровонлигига таъсир кўрсата олмайди. Демак, ўз келажагини танлашни ҳар бир халқ ўзи ҳал этади. Бундай ихтиёрийлик, танлаш ҳуқуқи эътиқод масаласига ҳам устувордир. Зеро, бизнинг неча асрлардан бери ўз заминимизда шаклланиб келган ўзаро муҳаббатли ва кечиримли дин эканини, у ҳар қандай мутаассиб, зўравонлик, куч ишлатиш ёки ўзгаларни қатл этишга мутлақо қарши, аксинча, тинчликка, тотувликка ва тараққиётга даъват этувчи динлигини эътироф этади.

Фазлиддин РАВШАНОВ,
Тўлқин ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ходимлари

Тикланиш кишилари

ҚАЛБИДА САХОВАТ БОР

Қалбига юксалиш даъвати қарвонбоши бўлган ёруғ келажакдан боумид инсонлар кўнгил баҳрида гавҳарлар бор. Улар ўзгаларни ҳам шодлик ва маъмурлик бўстонига бошлаб кириб, ўзлари ҳам севинч қучоғида мукаррам ва маъмур яшайдиган руҳпарвар эзгулик иқлимидан ел олган, баҳра туйган, тилаги икки билагида бўй кўрсатган бундай фидойилар кўпам кўзга ташланавермайдилар баҳри уммон тубида жилоланиб ётган гавҳарлар янглиг.

Шовот туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалигининг 2-бригадасига 20 йилдан буён етакчилик қилиб келаётган ва ўз тилакларига етиб мақсад майини ичиш шарафига муяссар бўлган Рўзимбой Отажоновни ана шундай меҳнат аҳлининг дилшодлари сирасига кўшса бўлади. У бош бўлган бригада меҳнат аҳли 20 йилдан буён сурункасига хўжаликлар фани ҳисобланган, яъни асосий даромад манбаи бўлган пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб келаяпти. Ҳатто қишлоқ хўжалик ходимлари учун энг қийин, серташвиш келган ва кўпларни доғда қолдирган йилда ҳам бу бригада заҳматкашларининг фидокорлиги, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилганликлари боис йиллик пахта тайёрлаш режаси ошириб бажарилди. Қайси соҳада, қайси жабҳада бўлмасин, муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан бошлиққа боғлиқ бўлади. Бошлиқ жонкуяр, тадбиркор бўлиб, меҳнаткашлар қалбига йўл топа олса ва уларни изидан эргаштира олса, меҳнат зафари қулиб боқади. Бош бўлмаса, говда лош деб бежиз айтмаганда ахир машойихлар.

Рўзимбой Отажонов асли механизатор. У 1961 йил тракторчилик курсини битказиб, 1962 йилдан 1976 йилгача механизатор, 1977 йилдан эса тракторчилар бригадаси механиги бўлди. 1978 йилдан бригада бошлиғи.

Рўзимбойнинг отаси Отажон ака Бакиев ҳам шу бригадага анча йиллар бошчилик қилган эди. Рўзимбой отасининг ишларини кўриб кўз олган эди. Ота изидан бориб кам бўлмади. Жонини жабборга бериб меҳнат қилганлиги, уддабурролиги, одамларнинг бошини қовуштириб, уларни яхши йўлга бошлаганлиги боис қувонч уни излаб топаверди. Эл наздида нуфузи ошди. «Ҳалол меҳнат қилиш энг яхши одат, чунки меҳнат берди бизга саодат», дегандек. Ҳалол меҳнат унга омад ва бахт берди. У даставвал аравачали мотоцикл билан, сўнгра «Жигули» енгил автомашинаси билан тақдирланди. Ўтган йили эса унга видеомагнитафон ҳадя қилишди. У ўз ишидан қаноатланиб ўтирмайди. Меҳнат малакасини, тажрибасини ошириш билан бирга Хива қишлоқ хўжалик техникумида сирт-дан ўқиб, уни муваффақиятли битказди ва билим доираси кенгайди. Ўқиш, ўрганиш, илғор тажрибаларни амалда тадбиқ этиш унинг ишига ривож бераверди. Мана бугун уни тажрибали пахтакор, дея эъзозлашади.

Рўзимбойнинг турмуш ўртоғи Тўхтажон Жуманиёзова ҳам пахтакор, у умр бўйи пахта далаларида фидойи меҳнат қилди, шу билан бирга тўққиз фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳозир уй бекаси, нафақахўр. Неваралари даврасида яшнаб ўтирибди. 20 дан кўп невараси бор.

Буни қарангки, Рўзимбойнинг ўғли Комил ҳам механизаторлик касбини эгаллаган. 10 йилдан буён «Пўлат от» суриб келаяпти. Рўзимбойнинг, Отабек, Жасур каби ўғиллари, қизларию келинлари ҳам пахтакор. Жорий йилда бригада заршунослари бир гектар ерда пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Мўл ҳосил қувончи учун бу йилги чекилган заҳмат чакки бўлмади. Айни ғўзалар пахтакорлар орзусидай гулга кирган паллада ҳашорат пайдо бўлиб, экинни анчайин ҳолсиратиб қўйди. Бу пахтакорлар кўнглига хавотир солди. Ҳосил зараркунандасига қарши курашиш учун барча оёққа турди, турли чораю тадбирлар амалга оширилди. Кейинчалик далаларда қўсак қурти пайдо бўлди ва ҳосил тақдирига хавф солди. Ишчан ва тадбиркор бригада аъзолари хавфга хавф солдилар, экин-офтоби тиғлари остида ғужанак бўлиб даладан чиқмадилар.

Комил Отажонов, Даврон Худойберганов сингари жонкуяр механизаторларнинг маҳорати ва тиришқоқлигини айтмайсизми.

— Шукур қил, фикр қил дегандек, худога минг шукуркким, бу йил ҳам бригадамиз аъзоларининг юзи ёруғ бўлди. 25 октябрда йиллик режа уддаланди.

Шу куни бир орқайин ётиб ухладик, — дейди бригада бошлиғи Р. Отажонов, ҳосилдорлик 35 центнерга етди.

Зироатни кўзида кўкартиргандек эъзозлаган пудратчи Эгамберган Собиров ярим гектар майдондан 50 центнерга етказиб ҳосил олди.

Навбаҳор Қурбонов 1,5 гектар ердан 48 центнердан пахта кўтарди.

Аҳди борнинг бахти бор, дейдилар. Зарафшон Эржонова, Матёқуб Мадримов, Роза Мавлонова сингари пудратчилар 45 центнерлик Марра учун қишу ёз курашиб, мақсадга эришдилар — 47-48 центнердан пахта териб, хирмон баракасини оширдилар.

Бригада азаматлари шу кунларда келгуси йил мўл ҳосилига замин яратмоқдалар. Ғўзапоядан тозаланган майдонлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Бу муҳим агротехник тадбир ниҳоялаб боряпти. Ариқ зовурларни, ички суғориш шоҳобчаларини тозалаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаяпти.

Ер ҳамиртуруши ҳисобланган гўнг тўплашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Деҳқон қаҳратонда, чўпон саратонда қайнайди деганлари бежиз эмас.

Бригада ҳудудида ўтган йил кузда 12 гектар ерга кузги буғдой уруғи сочилган эди. Ана шу майдондан гектар бошига 55 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ғаллакорлар республикамизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашга ўз улушларини қўшиш иштиёқида бу йил кузда 20 гектар ерга буғдой экдилар. Экин бир марта озиқлантирилиб, икки марта суғорилди. Бу ишни кўнгилдагидек бажаришда Шодибой Нуржонов бошлиқ сувчилар ҳиммати баланд бўлди. Жойинг капа бўлса ҳам, нонинг катта бўлсин дейди доно халқ.

Бу йил бригада 7 гектар майдонда Ҳазорасп да қурилиб ишга туширилган шакар-қанд заводи учун қанд лавлаги етиштириб, гектар бошига 45 центнерден ҳосил олинди.

Р. Отажоновнинг яна бир хайрли ва савобли иши шуки, у ҳар йили 1,5—2 гектар ерда етиштирилган сабзавот маҳсулотларидан тўй-маърака бермоқчи бўлган бригада аъзоларига етарли миқдорда бепул беради. Сахий қалбда саҳоват бор дегани шу-да!

Раҳим ОТАХОНОВ,
Хоразм вилояти, Шовот тумани, «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги

1999 йилингиз ризқ-насибатли бўлсин!

Моҳият жилолари

ЖАВОҲИР ДЕНГИЗИНИНГ ҒАВВОСИ

Халқ оғзаки ижоди сон-саноқсиз жавоҳирларга тўла азим денгиздир. Унга шўнғиган ҳар бир ғаввос ўз имконига лойиқ гавҳар олиб чиқади. Фолклор асрлар давомида сайқал топиб, бизгача етиб келган. Ана шу бойлик ва гўзаллик ҳар бир адабий асар чиройига чирой қўшиб, уни завқ эгаларига манзур қилади. Шу боисда атоқли шоирлар, жумладан, Навоий, Бобур, Лутфий, Атоий, Фузулийлар ўз шеърларини халқ оғзаки ижоди билан бойитиш мақсадида ушбу денгизга қайта-қайта шўнғиб, энг чиройли, қимматбаҳо гавҳарларни сайд этиб, ўз шеърлари тожига қўндирганлар.

Комрон Мирзо ҳам мазкур адабий анъанани давом эттириб, ўзидан олдин ўтган шоирлар каби халқ асарларига мурожаат қилди, халқ ганжинасидан турли дурларни танлаб олиб ўз шеърини бой этди. Унинг шеърида фолклорнинг айрим жанрлари, хусусан атамалар, мақоллар, иборалар, киноя ва ҳикматли сўзлар ўз аксини топган. Комрон Мирзо бу жанрларни сўзма-сўз олмайди, балки ўз ибораси билан ўша маънони англатади. Масалан, «бе чийзий нест» бирикмаси форсийда ва «бежиз эмас» ибораси ўзбекчада шундай бир нозик ифодаки, уни узун-узоқ иборалар билан ҳам шарҳ қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, унга грамматик нуқтаи назардан қаралса, бирор тузук маънони ифода қилмайди. Шакл жиҳатидан ҳам бирор гўзаллик томони кам кўринади. Бу ифода Комрон Мирзонинг бир форсий ғазалида «радиф» ўрнини олиб, ажойиб тарзда гўзал маънони англатишга хизмат қилади. Ғазалнинг матлаъси:

Халқае зулфи парийшона ту бе чийзий нест,
Ғамзае наргиси фаттони ту бе чийзий нест

Таржимаси: паришон зулфингнинг ҳалқаси ва фитначи кўзларингнинг ғамзаси бежиз эмас.

«Кўз учмоқ ибораси халқ орасида интизорлик билан кутиб турган бир азиз кишининг келишини англатади. Яъни, агар кўз учса, кутган кишимиз келиб, хурсанд бўламиз. Шоир ана шу ифодани бошқа адабий санъат ташбеҳ билан гўзалроқ қилган:

Комрон, учғоч кўзим бу зор кўнглум ҳам солур,
Ул пари васлин тилаб ҳар лаҳза қушдек талпиниб.

«Ганж вайронада» дейди халқ. Бу мақол ҳам қуйидаги байтда:

Вайрона кўнгул ганжи жамолингга Ватандур
Бу важҳ била толибо вайрона бўлубмен.

Яна бир форсча байтида:

Ғаматро Комрон дар дил ниҳуфта,
Ки, бошад ганжро вайрона манзил.

Яъни: Комрон ғамингни кўнгилда яширибдур, негаки ганжнинг манзили вайронадур. «Кўриб билиб» бирикмаси кинояли ибораларидан биридир. Комрон бу иборани чиройли бадиий санъатларга бой бўлган бир байтида ўринли ишлатади. У кўриб, билиб ўзини маҳбубасининг шамъи ҳуснига парвонадек ёндиради:

Шамои ҳуснунгни кўруб билдимки олам сўздур,
Солдим ўзни шуълаға парвонадек кўруб билиб.

Юқоридаги байтда «шам, парвона, шуъла, сўз каби (қуёш) орасида таносуб ва муроотун назир санъати қўлланилган. Яна Комрон Мирзо «кўруб билиб»ни тасодифан келтирмайди, балки биринчи мисрада кўргани ва билганини айтиб ўтади, кейин кўриб билиб туриб, яъни унинг ҳуснининг шамъи оламсўз эканини аниқ билган ҳолда ўзини шуълага солади.

Форсча «Арўси сад домод» кинояли ифода ўта маккор алдовчи маъносини англатувчи форс тилидаги энг машҳур мақоллардан биридур. Комрон Мирзо ҳам ана шу кинояли ифодани дунё ва замоннинг вафосизлиги, алдовчилиги, адолатсизлиги ва жафолилиги маъносида ишлатади. Бу форсий ғазал матлаъдан мақтаъгача дунёнинг салбий тавсифларига бағишланади. Шеърнинг матлаъси бундан иборат:

Чест дунё? бинои бебунёд, чест гардун? мадори суст ниҳол.

Ва «арўси сад домод» ифодасини ана шу шеърнинг 4-байтида кўрамиз:

Дил ба маҳраш маниҳки маккорест,
Ки, шудаст он арўси сал домад.

Таржима: дунёга меҳр қўйма, негаки у юз куёвни кўрган келиндир, яъни юз куёвга вафо қилмаган келин сенга ҳам вафо қилмайди, юз куёвни алдаган келин сени ҳам алдайди, юз куёв кўриб юз макру тажриба ўрганган келин, сенга ҳам бирор макрни ўйлаб топади.

«Кони намак» ва «бо намак» ифодаси малоҳатли ва ёқимлиликдан далолат беради. Таомнинг мазаси туз билан гўзалларнинг гўзаллиги малоҳат ва назокат билан дир. Комрон Мирзо ана шу форс халқи истилоҳини ўзбекча бир байтда маҳорат билан келтирган:

Ул шўх, ки боштин оёғи қони намактур,
Бу қотла ишим фурқатидин ўзгачарактур.

«Кор аз даст рафатан», яъни чорасиз ва иложсиз бўлиб қолган деган маънода бу иборани Комрон Мирзо ўз шаклида, ҳам тескари шаклида бир мисрада усталик билан келтиради:

Рафт корам з дасту даст аз кор,
Нест корам ба ғайри нонайи зор.

Таржима: ишим қўлимдан кетди ва қўлим ишга бормайди. Зор-зор нола қилишдан бошқа ишим йўқ.

Халқ фразеалогик ибораларидан бири «кўнгулни бой бермоқ» шоирнинг бошқа бир шеърида гўзал ифодасини топган:

Гоҳи ки холу хотин Комрон анинг кўрса,
Кўнгулни бой берур, кўзларини олдирур.

«Юрак куймоқ», «Бағир сув бўлмоқ» ҳам юқорида айтиб ўтилган ибораларидан ҳисобланади. Қуйидаги байтда Комрон Мирзо «бағир сув бўлмоқ»ни ажойиб тарзда шеърий ифода этади:

Сўрма бошимдин нелар ўтти фироқ айёмида,
Сув бўлур бағринг санга мен шарҳ қилсам саргузашт.

Машҳур ва жуда кенг тарқалган Комрон Мирзо халқ орасида қўшиқларидан бири «ёр-ёр»га қизиқиб, уни тирса санъати ёрдамида чиройли қилиб қуйидаги байтда тараннум этади:

Лолаи ҳумро диган юзи эмиш ёр-ёр,
Наргиси шаҳло диган кўзи эмиш ёр-ёр.

Комрон Мирзонинг шеърларида ўзбек халқ кийимлари, ўзбек халқ тақинчоқлари ҳамда ўзбек аёлларига хос бўлган безаклар ва безанишлар ифодаси ҳам кўриниб туради. Қуйидаги байтда кўйлак устидан киядиган аёлларга хос бўлган «диклай» ва унинг ранглари акс этади:

Ул ки гулнор кийиб диклайин этти коҳий,
Даҳр боғинда йўқ андоқ яна бир раъно қиз.

Комрон Мирзо даврида ўзбек аёллари бошларига «эгри кажак» лар тақиб, ўзларига оро берар эдилар. Ҳозир бундай кийим «диклай» ва безак-тақинчоқ (эгри кажак)ларни ўзбек аёлларида учратмаслик мумкин, лекин Комрон Мирзонинг шеърлари орқали XVI—XVII асрларда ўзбек аёллари кийими ва безаклари қандай эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Қуйидаги байтда эгри кажак ҳақида сўз юритилади:

Қуллоби муҳаббатму экин хаста кўнгулга
Ё бошида санчилган анинг эгри кажактур.

Бошқа бир байтда дарвешу қаландарлар ҳамда деҳқон, чўпон ва бошқа заҳматкашлар кийими, яъни «кепанак» номи тилга олинади:

Хушвақт ўшал ринд ки дайр ичида мендек,
Эгнидаги хилъат анга эски кепанактур.

Кўриниб турибдики, Комрон Мирзо халқ оғзаки ижодини ўрганиб, уни ўз маромига етказиб шеърларида ишлатган ва бу билан янада халққа ёқимлироқ ва севимлироқ шеърлар яратган.

Дарҳақиқат, Комрон Мирзонинг шеърлари бадиий санъатлар, нозик ифодалар, гўзал хаёллар, айниқса халқ ижодининг дуру гавҳарлари билан безатилган ҳолда буюк шоирлар шеърлри билан тенг туради ва унинг моҳир ва иқтидорли шоир эканлигига инкор этиб бўлмайдиган далил ҳисобланади.

Шафиқа ЁРҚИН

Ишқ оятлари

КЎНГИЛДАН СЎРАЙЛИК: БИЗ ҚАНДАЙ ОДАММИЗ?

3 январ куни ҳазрат Навоийнинг дорул фанодан дорул бақоға рихлат қилганига 498 йил бўлди

Булбул усул ташлаб сайрайди, ҳар нағмаси ҳар тараф, лекин ҳаммаси қулоққа бирдай ёқади, эриб эшитаверасан. Одамни ердан кўтарадиган сайраш қилади булбул, — элдан эшитганим, кўнглимга қуйилган сўзлар бу. Ривоят: Худонинг минг бир исми бўлиб, булбул шуларнинг мингтасини билару, биттасини билмас, шу қолган исмни билмоқ учун гулдан гулга, новдадан новдага қўниб, Тангрининг минг исмини айтиб сайрар экан. Булбул сасининг фарқлилиги, юракка яқинлиги, руҳимизга ҳамоҳанглиги эҳтимол шундадир. Демак бу мўъжазгина қушча ҳам ҳақ исмидан тўлган китобини куйлаб ўқийди, Тангрининг исми ҳам, сўзи ҳам куйланиб айтилар экан-да.

Одамзод танига азал қадим жон куй билан кирганин ўйласак, наво таралганда жон эримоқлигининг боисини англармиз. Куйларда кўнгилларга кўринар руҳ бор, вужудингга сингиб кетмоғи шундан. Оҳангларадаги руҳ билан бизнинг руҳимиз азалдан таниш, куй кўтарган кўнглимиз осмонида кўришиб яйрарлар, вужудимизни измига олиб, завқли чайқалтирарлар:

Каъбадур кўнглим уйи, айланг тавоф эй дарди ишқ,
Анда меҳроб ўрнига ер тутқали ул эгма қош.

Шундай ҳолатларни кўп кўрганман, гарчи ғазалнинг шоири айтилмаса-да, шеър руҳидан унинг Навоий қаламига мансублигини дарров фаҳмлайдилар, буни изоҳлаб «Навоийнинг ёзганларида руҳ бор» дейишади.

Навоий шеърларини ўқиётганимизда ёки эшитаётганимизда беихтиёр ана шу куйга кўнглимизни олдириб қўямиз. Шеърнинг маъни денгизини унутиб, унинг оҳанг мавжларига жон ўзини уриб, сўз қолиб, биз руҳ билан бўлиб кетамиз, шеър эмас, бир ажойиб наво тинглагандек. Маъносини англамоқчи бўлсак, куй қолиб кетаётгандек куй эшитсак, маъни қолиб кетаётгандек туюлади. Гўё «Қуръон» тиловати таралаётгандаги ҳолатни эслатади. Бундай сир-синоатнинг боисини излаб кўрсак, ҳис қиламизки, Навоий сўзларидан «Қуръон»садоси келади. Бу балки Навоийдан олий Ишқ нури ёғилиб тургани учундир. Кўнглимиз осмони, фаҳмимиз кенгликларига Навоийнинг ҳар зарраси қуёш каби таъсир кўрсатади.

Каъбани Худонинг иккинчи уйи дейилган. Кўнглини Каъбага менгзамакнинг баҳона боисини сўфийлик таълимотидан топармиз. Ҳақ Таолони севмоқ, Аллоҳ ишқи билан яшамоқ, ҳам жонингга ёқувчи, ҳам жонингни ёндирувчи ишқий изтиробларда ўртаниш, ошиқлик дардидан Тангрига ташналик, уни кўришга бўлган ўтли иштиёқ-ихлос кўнгилни Каъба этмоқни тилайди. Ошиқнинг ўз ўти уни ҳоли-жонига қўймайди. Чин ишқ дардига мубтало бўлган мажнуни девона кўнглида фақат ёр акси кўринар, унда бошқа неки бўлса ишқ оташи барини ёқиб битирар. Зеро, Худо фақат тоза кўнгилгагина меҳмон бўлар экан. Ҳақни меҳмон этарлик даражадаги покиза кўнгил эгалари икки оламнинг моҳиятини, бирлигини англаган ҳолда, бу дунёда ҳам Аллоҳни кўриш, суҳбатлашиш бахтига муяссардир дейишади. Тоза ишқ кўнгилни тоза қилади. Умуман олганда ҳам, оддий ишқ, одамларнинг бир-бирига муҳаббати уларнинг дилини поклайди, севги ёмонликни яхшиликка йўналтира олади, одамни маънавий ўзгартириш қудратига эга. Бировни чиндан севиб қолганлар кимгадир ёмонлик қилишни эмас, фақат севикли маҳбубини ўйлайди. Севган кишиси кўнглининг эгаси — Худосига айланади. Оддий ишқдан фарқли ўлароқ, олий ишқ, яъни Аллоҳ ишқи бу бир ўзгача, айнан тасаввуф шеъриятининг мағзига жойлашган. Бу қуйдаги ошиқларнинг риёзати ҳам ўзгачадир, ахир кўнгилга икки дунёнинг эгаси — Худони меҳмонга чорламоқни ўзи бўлмас, шу билан бирга, маъшуқа билан абадий қолмоқ — шунга арзимоқ нияти ҳам бор.

Ҳазрат Боязид Бистомий тушларида Худодан: «Йўл санга не навдур?» — деб сўраганларида, Тангри: «Ўзингдан ўтдунг, етдинг», — деб жавоб берган экан. Бундай олиб қараганда, одам кимгадир қарши курашиши, уни енгиши ҳам мумкину лекин ўзига қарши курашмоғи, енгмоғи қийин. Кўпчилик бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайди. Кўнглига келганини ўлчовсиз қилаверадиганлар бор, нима эвазига бўлса-да, ўзи қийналмаса, жони оғримаса бас. Ёки ҳар пайтда у-бу тизгинсизликлардан кечиб қўйиб, (ҳар ҳолда, бу ҳам яхши), яна «бор» «бор-е» деб ўзига ўзи охиригача курашмайдиганлар ҳам бўлиши мумкин. Олам қизиқ, одам ундан-да қизиқ.

Аммо тасаввуф одамни ўзидан мутлақ айиради, кўнглидан ҳам, жисмидан ҳам ишқ талаб қилади. Ўзингдан кечтиради, оташ безовталигида ўзга фароғатларни, кибру ҳаволарни йўқоттиради, маъшуқага ҳокисор этади. Бу таълимотда покликка ғубор қўндирувчи барча ҳаракатлару ўйлар инкор қилинади, бунинг ўзига хос мушкулликлари, риёзатлари бор, ошиқ шуларга тайёр ва буларни ўзига завқу шараф деб билади. Унинг кўнгли ҳақ, меҳмон бўлувчи учун ҳам мезбон бўларлик даражадаги покликдан Каъбага — Аллоҳнинг иккинчи уйига менгзар, шунинг учун ҳам уни тавоф этса бўлгуликдай. Лекин Навоий байтида тавоф этмакнинг ҳам бир шарти кўриниб турибди, яъни ғазалда «Эй, дарди ишқ» деб мурожаат қилинади. Аён бўладики, Навоий ишқ аҳлига сўз айтмоқдалар, Худо деган кўнгилларни — дарди дарди борларнигина тавофга чорламоқдалар. Навоий ижодининг салмоғини, салоҳияти ва моҳиятини, таъсирчанлик нуқтаи назаридан мангу фаолиятдалигини ўз имконимиз доирасида ҳис қилган, англаган ҳолда шу хулосага келиш мумкин, Навоий битикларини ўқиб кўнгил билан тавоф этмак, худди мусулмончилик фарзи каби ишқ аҳли, хусусан шоир халқи учун Худога ошиқликнинг фарзидир! Пиру комилимиз битган сўзларнинг маъносини баҳоли қудрат англамакни, (таъбир жоиз бўлса кўнглини топмоқни) Худо қачон кўнгилда кўринар деган саволга жавоб изламоқдан бошладик-ки, бу жавоб, бизнингча, агар Худо бор бўлса нега кўринмайди, дегувчиларга ҳам тааллуқлидир. Элда «Худодан бурун кўнгилга назар сол» деган гап бор. Қарайликчи, унда нелар қалашиб ётибди, тилда не дейилгани билан Тангридан ҳеч нарсани гизлаб бўлмас. Яна ўз кўнглимиздан сўраб-суриштирайликки, у неларга интилаётир, ўзимизга ва ўзгага нима истар, нияти тозами? Биз ўзи қандай одаммиз, нимага арзиймизу, нимага арзимаймиз. Навоийнинг қуйидаги байтини ўқисак, ҳали кўнглини Каъбага атаган Навоий шундай деган бўлсалар, унда бизлар ким деган безовта савол жону жаҳонимизни ўртаб юборади:

Йўктурур ҳаддим демакка ёримен ёхуд ити,
Итларига ҳар киши ёр, ул кишининг ёримен.

Шубҳасиз, байтнинг зоҳирий маъносидан ташқари ботиний маъноси ҳам борки, бу яна тасаввуф билан кечади. Айтадиларки, Ҳазрат Алини худо «шерим» деган экан, Шер шижоат, қувват тоза мардлик рамзи бўлса, итни вафодорлик, садоқат рамзи сифатида биладилар. Кўҳна китобларда битилишича ва ҳозир ҳам халқ тилида эътироф этилишича, ҳақ йўлида ўтган пир, авлиё, уламоларни содиқлик, эътиқодда собитлик рамзидами, худонинг итлари деб айтилар экан. Қолаверса, ҳаётий нуқтаи назардан қараганда ҳам, қайси кентда бўлса-да ит эгасининг иродасига қарши бўлган ишлардан уни воқиф қилиб, эшикбонлик вазифасини бажаради. Эҳтимол, айнан шунга ҳам ишора қилингандиркими, авлиё, улуғ уламо аҳли бандаларни тўғри йўлга рағбат этадилар. Ит уйга ёт кимсаларни қўймаганидай, огоҳ этганидай, улар инсон кўнглига ётлик қилувчи, одамийликдан чиқарувчи унсурлардан эҳтиётликка чорлайдилар. Зеро, муқаддас китобларда «уламо пайғамбарлар ворисидир» деб бежиз айтилмаган.

Ҳазрати Абу Бакр Сайдалонийнинг «ҳақ била суҳбат тутинг ва агар тута олмасангиз, ул киши била тутунгки, ул хақ била суҳбат тутар, то анинг суҳбати баракоти сизни ҳақға етқургай» деган сўзлари кўнглимизни шу маънога етаклайди, бизга аниқ йўл кўрсатади. Навоий ҳам худди шуни айтаётгандай, қодир эгамга шу йўл билан бораётгандай, ҳам шу тутумни «худо» деганларга кўргузаётгандай.

Навоий ҳар байтининг ўзи кўнгилда қурилган комил иморат ёхуд пирнинг ўз таъбирлари билан айтганда, ҳар байти бир «байтулҳазан», яъни ғам уйи, ишқ ҳасратхонаси. Шунданми, бу ғамхоналарга интилганимиз лаҳзаларда кўнгилда гўзал бир қўрқиш пайдо бўлади. Навоий ижодиёти қудратимиз етмас даражадаги, у дунё-ю, бу дунёни айланиб чиқарлик руҳий мулкдир. Айнан шу боис Навоийдан ўқий билсангиз, дунёни кезиб юрманг, дегинг келади. Ёхуд бир байт маънисинда — байтул аҳзанинда бир умр яшаб ўтсанг деб орзу қиласан.

Навоий ҳақида бир илоҳий ривоят бор. Ҳақ Таоло хазинасида қолган сўнгги бойлик — ҳалимликни Муҳаммад (С. А. В.) пайғамбаримизга берибди. Шунда «ё субҳоноллоҳ, ҳамма нарсангни бериб бўлдинг, ўзингга ҳеч нарса қолмади-ку» дейишибди. Тангри таоло бу сўзга: «фалон йилдан кейин Навоий дунёга келади. Унинг ёзган шеърларини бандаларим ёд олиб қўшиқ қилиб айтиб юрадиларки, шу менинг гулзорим бўлади», деб жавоб қилган экан. Ҳа, Яратганнинг гулзори гулгун ва сўлмас, унинг баҳори абадий. Мўъжизавий мафтункорлиги ила кўнгилларни банд этади, ишқ беради. Илло, юқоридаги ривоят Навоийга ҳақ берган баҳодир, иноят, лутфу-карамдир. Балки шундан «ишқ оятлари» бўлиб таралар бу ашъор, дил кетган битиклар.

Бу ошиқлик дафтарларин ўқиб, мунча таърифга сазовор Худони ҳеч қурса бир кўрмоқни истайсан, лекин Навоийнинг бошқа бир байти мўъжизадан пайдо бўлган иштиёқимизни яна кутилмаган янги мўъжизага сазовор этади:

Эйки, дебсен ҳақни не таърифу васф ила билай,
Васфдин мустағнию таърифдин озод бил.

Ҳақ Таоло, васф этиб бўлмас мақомда, ўхшаши йўқ ягонадир. Шунчалик бебаҳо шеърларни ҳам Навоий асло худога таъриф санамаганлар, Оллоҳ фақат Оллоҳдир. Қолаверса, ўз ёрини нима деб атаса ҳам барибир ошиқнинг кўнгли тўлмаслиги табиий ҳол, сўзлар камис кўринаверади ва байт байтни чорлайверади. Байтлару ғазаллар гўё бир-бири билан ҳалқаланиб унда асири занжирбанд ошиғи девона кўнгли намоён бўлгандай.

Навоий байтларининг мазмунини мукаммал таҳлил қилиб бўлмаслиги аниқ, бир сўз била Навоийни Навоийдан изланг демоқдан ўзгасига ожиз келамиз. Ва шу билан бирга, пайғамбаримиз ҳадислари, ўтган пир, авлиё уламо аҳлининг ҳикматларини ўқимоқ, халқ оғзаки ижодидан бохабарлик Навоий ижодини бир қадар англагали имкон беришини айтмоқ истар эдик.

Ҳуснунга ҳайрон эсам келмас улус ҳайронлиғи,
Кимки ҳайроннинг эмасдур ман анинг ҳайронимен.

Ғазални ўқиймизу ўз-ўзидан унинг мавжли куйлари оқиб келаверади, ҳайрат ифодасининг кучига — санъатга мафтун бўламиз. Шоир айтаётган фикрга ҳамоҳанг тарзда, биз шу мисралардан гўзал ҳайратларга келмаганнинг ҳайрони бўламиз.

Баҳри кон нақдин агар йиғдинг, вале етгач ажал,
Барчани солиб кетарнинг шиддатига арзимас.

Бир замон ёлғончи дунёнинг фирибларига алданиб, абадий лаззатдан бебаҳра қолмоқ мумкин. Лекин ишқий саъйи ҳаракатлар, изтироблар, риёзатлар боис ундан бир қатра тотган кўнгил бу дунё нафсига — алдовига қайрилиб ҳам қарамас, писанд этмас. Кўнгли куйлардай юксак наволар ўтида бетимсол Ҳақ сари Ишқ оятларини айтиб борадир:

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубдур.

Дилором ҚЎЗИЖОН

Келинг фикрлашайлик

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, деҳқон, юртим,
Турар эдинг яланг тўш, яёв.
— Ташқарида изиллар ёмғир,
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: — Пахтам қолди-ку ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз,
Кетдинг, умри маҳзаним маним...
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Абдулла ОРИПОВ

ҚИШЛОҚҚА НЕГА ҚАЙТМАДИНГИЗ?

Техникумни битирган ўн саккиз яшар кенжа ўғлимни қишлоқда яшашга даъват қилдим.

— Азаматжон, энди сен... «Қайдасан, Қува» деб йўлга тушасан. Биласан, қайнона-қайнотамнинг ерлари қаровсиз ётибди. Бор, уларнинг чироғини ёқ, ерларини обод қил, ниҳол эк, уй қур. Сув келса, симир, тош келса, кемир. Хуллас, бир бошпана тиклаш қўлингдан келса, ана ундан кейин Қувада сени уйлантирамиз, — дедим.

Бу гапим пенсия ёшига яқинлашиб қолган отасига ҳам таъсир қилди. Тошкент билан базўр хайрлашиб, ота-бола поездга чиқишди...

Ниҳоят, қаттиқ нон еб, битталаб тош териб, доналаб ғишт қуйиб, мўъжазгина бошпана тиклашди. Боғ яратишди, бир йил ё икки йилда эмас, олти-етти йил давомида.

Яратганга шукрлар бўлсинким, ёз фаслини энди кўп қаватли уйлар хонадонида эмас, баҳаво ҳовлида — Қувада ўтказамиз. Азаматжон эса қувалик бўлиб қолди. Келган кунидан бошлаб корхонада муҳандис бўлиб ишлади. Уни қувалик бир ҳамшира қизга уйлантирдик.

Ҳамма айтади: «Тошкентдек шаҳриазимда катта бўлган йигит қишлоқ шароитига чидолмай, кетиб қолади деб ўйлардик. Балли-е. Ўрганди, кўникди! Ахир... Бундоқ бураса, иссиқ сув, бундоқ бураса, совуқ сув тушадиган, қишда иссиққина бўладиган уйларни, жигарларини, гўзал Тошкентни ташлаб келиш осонми? Бу қишлоқда тўрт чақирим наридан сув ташиб ичса... Қойил-е!..»

Муҳтарам ўқувчи, узр, мен ўғлим ҳақидаги гапларни мақтаниш учун эмас, қишлоқларни, ерни, сувни, минг бир хил ноз-неъматларни яратиб қўйган Эгамга беадад шукроналар айтиш ва кўпдан бери мени ўйлантириб келаётган бир саволга биргаликда жавоб излаш умидида ёздим.

Қишлоқлар... Ҳа, мамлакатимиз аҳолисининг етмиш фоизи яшайдиган баҳаво, бағри кенг сўлим қишлоқлар шаҳарликларни қишин-ёзин ширин-шакар мевалар, қовун-тарвузлар, сабзавотлар, пахта, дон, сут-қатиқ, пилла, қўйинг-чи, санаб тугатиб бўлмайдиган неъматлар билан таъминловчи қишлоқлар... Агар озодаликка, ерни, сувни, дарахтни эъзозлашга ҳамма баб-баробар эътибор берса борми, қишлоқлар Кавказдаги курортлардан ортиқ бўлса ортиқ-ки, кам жойи йўқ.

Қишлоқдагилар, шаҳарликларга нисбатан камроқ касал бўлишларини ўз кўзим билан кўраяпман. Дорихоналарга ҳам онда-сонда ишлари тушади. «Тез ёрдам»ни ҳомиладор аёллар тўлғоқ тутгандагина чақиришади. Бошқа пайт «Тез ёрдам»га эҳтиёж жуда кам. Қишлоқдагилар самимий, инсофли, қийинчиликларга, иссиқ-совуққа чидамли кишилар...

Бу гаплар кишини беҳад қувонтиради, албатта. Лекин шаҳарга нисбатан қишлоққа эътибор камлигини кўриб, қиёслаб, ажабланасан, киши. Ҳа, айтинг, биз шаҳарликлар қишлоқдан олаётган неъматларимизга яраша унга мадад қўлларимизни етарлича узатаяпмизми? Қишлоқдаги ҳаёт тарзи, одамларнинг онг, билим даражаси, мактаблардаги таълим-тарбия ишлари, болаларнинг камолоти борасидаги шарт-шароитлар бизнинг эътиборимизни ҳар доим ҳам ўзига тортадими? Ҳар турли марказлар, хотин-қизлар қўмиталари қишлоқларга амалий ёрдам бераяптими?

Жилла бўлмаса, шу қишлоқларда туғилиб ўсган, соф ҳавосидан, мева-чевасидан баҳра олиб, тузини ичиб катта бўлган ва сўнгра шаҳарга бориб ақлли олимлар, билимдон шифокорлар, сўзамол ўқитувчилар, ҳуқуқшуносълар, иш билгич муҳандислар, кимёгарлар ва бошқа касб эгалари бўлиб етишган кишиларни қишлоқ муаммолари, заррача бўлса-да, ташвишлантирадими?

Ҳа, қишлоқларда истеъдодлар кўп туғилади. Бу — Яратганнинг, қолаверса, табиатнинг ноёб тухфаси. Ана ўша истеъдодлар ҳар бир қишлоқдан озчилик бўлишсада, мактабни битиргач, ўқишга отланишади. Ҳамқишлоқлари уларни бир олам қувонч не-не орзу-умидлар билан шаҳарга кузатиб қолишади. Билимдон, зукко, қилни қирқ ёрадиган мутахассислар бўлиб қайтишларини, қишлоқлардаги муаммоларни вақти келиб ҳал қилишларини орзу қилишади.

Лекин уларнинг жуда кўпчилиги олий ўқув юртини тугаллагач ёки диссертация ёқлагач, ўз қишлоқларига қайтишни ўзларига эп кўришмайди. Ваҳоланки, билимдон шифокорлар, яхши ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, хуллас, яхши кадрлар қишлоқларга ҳам керак. Масалан, фан номзоди ёки фан доктори бўлган олимлар қишлоқ мактабларига, ёки халқ маорифи бўлимларига раҳбарлик қилишса, бу ерда ҳам илм-зиё нурлари янада ёрқинроқ чарақларди. Билимли, савия даражаси баланд бўлган йигит-қизлар сафи ҳам янада ошарди. Ҳунар мактаблари, тўгараклар кўпроқ бўлса, бармоқ билан санарли истеъдодлар эмас, юзлаб, минглаб олимлар, рассомлар, шоирлар, санъаткорлар, ўқитувчилар етишиб чиқарди.

Эҳ-ҳе, билим чашмаларимиз нақадар бой, нақадар бебаҳо. Тарихимиз саҳифаларини, бугунги илм-фан тараққиётини, бадиий асарларни минг йил умр кўрганингда ҳам ўқиб тугатолмайсан, киши. Лекин оз ўқисанг ҳам қанчалар қувват, қанчалар ирода, қанчалар баҳра оласан. Ҳаётга бошқачароқ, тиниқроқ кўз билан қарайсан, Фахрифтихоринг ошади. Ўйлаб иш қиласан, ўйлаб гапирасан. Қишлоқда эса бундай буюк ходимлардан ҳамма ҳам баҳра олаяпти дейиш қийин. Агар қишлоқлардаги мактабларнинг ўқувчи ва ўқитувчиларига, турли идоралар раҳбарларига тарихимиз солномасидан, алломаларимиз ҳаётидан ёки бугунги илм-фан, тадбиркорлик санъатидан савол ташланса, бармоқ билан саноқлигина ўқувчи ва ўқитувчилар жавоб беришлари мумкин. Чунки қишлоқларда китобхонлик, газетхонлик анъаналари йўқолиб бораяпти. Музейлар, кўргазмалар йўқ, театр йўқ. Мактаб ўқитувчиларининг баъзилари ўзлари ҳеч нарса ўқишмайди. Улардан ўқувчилар ҳам «ўрнак» олишади.

Қишлоқларни айланиб чиқинг, сўрасангиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Миллий тикланиш», «Маърифат», «Меҳригиё», «Оила ва жамият», «Саодат», «Тафаккур», «Шарқ юлдузи» каби энг севимли газета-журналларга минг кишидан атиги бир киши обуна бўлганлигига гувоҳ бўласиз. «Тонг юлдузи», «Гулхан», «Ғунча» эса болаларнинг тўртдан бир қисмига ҳам етмайди. Тошкентда гоҳо газета-журналлар дўконлари ёнида навбатда турганларни кўрсам, рости ҳавасим келади. Қишлоқларда нега шундай эмас? Нега? Дарвоқе, қишлоқларда бундай дўконнинг ўзи йўқ, айрим газета-журналлар фақат туман марказларидагина сотилади. Вилоятларга Тошкентда нашр этилаётган газета-журналларнинг жуда кўпчилиги етиб келмайди.

Назаримда, шаҳар ўқияпти-ю, қишлоқ ишлаяпти. Бу — бироз муболаға, албатта. Лекин, очиғини айтганда, қишлоқда дала юмушларининг кўплиги, томорқалардаги меҳнат ва не машаққат билан етиштирилган мева-сабзавотини бозорга кўтариб бориб чайқовчига арзон-гаров сотиб келиш ҳолатлари, иш ҳақининг вақтида берилмаслиги, ичимлик сув ташиб ичиш, қишда газ тақсимотининг пасайиб кетиши, айрим қишлоқларга автобус қатнамаслиги каби камчиликлар қишлоқ аҳолисининг газета-журналларга бўлган қизиқишига салбий таъсир қилаяпти.

Жамоа хўжаликлари раисларининг иш ўринларида деярли газета-журнал кўрмайсиз. «Пул йўқ» баҳонасида обуна вақтида мутлақо кўз юмиб оладилар. Улар институтларда сиртдан «ўқишган» ва ҳозир ҳеч нарса ўқимайдилар. Натижада хўжаликни юзаки, хўжакўрсинга бошқарадилар. Изланиш, тараққиёт сари одимлаш, тадбиркорлик санъатидан фойдаланиш, кичик корхоналар очиб, деҳқон мева-чевасини қайта ишлаб пул топиш, ишсизликнинг олдини олиш, ёшларга ҳунар ўргатиш кабилар етти ухлаб тушларига ҳам кирмайди.

Демак, қишлоқлар чуқур билимли кадрларга муҳтож.

Нью-Йоркдаги Пейс университетида ўқиётган ўзбек ўғлони Улуғбек Қосимхўжаев мухбирга шундай дейди: — «Мен ўқишни битиргач, жамоатчилик эътиборини Ўзбекистонимизда билим ва тафаккур ривожини юксалтиришга жалб этаман, деган хулосага келдим. Зотан, жаҳоннинг АҚШ, Япония, Франция, Германия сингари мамлакатлари шу йўл билан тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этгани, бугунги кунда эса дунёда яловбардор бўлаётганликлари ҳеч кимга сир эмас» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1998 йил 21 август).

Ҳа, Президентимиз И. А. Каримов ҳамма вақт жон куйдириб, биринчи навбатда илм-маърифат масаласига эътибор беришни таъкидлаяпти. Буюк алломаларимиз ҳаётини ўрганиш, кимликларини ҳис этиш мақсадида уларнинг юбилейларини нишонлаш ҳақида фармонлар чиқараяпти. «Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар, — дейди Президент «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида. — Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Мафкура соҳасида бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди».

Мафкуравий бўшлиқ — бу инсон онгидаги, қалбидаги бўшлиқ, илмсизлик демакдир. Мисол учун, ҳуқуқ илмидан, қонунлардан бехабар деҳқонларнинг баъзилари вақтида пенсияга чиқолмайдилар. Ҳомиладорлик таътилларига аёллар кечикиб чиқадилар ва ҳакозо.

Тошкентдан келган меҳмонлар, яъни ҳукумат раҳбарларидан тортиб, журналистлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар қўмиталарининг раҳбарлари, шоирлар, таниқли шифокорлар, олиму артистлар туман марказидан қайтишади. Чанг кўчаларда пиёда юриб, деҳқоннинг ҳол-аҳволини кўриш, сўраш, билмаганини билдириш... уларга малол келади.

Туман матбуотчиларидан бири менга «Тошкентда яшаётган қуваликлар ҳақида ёзиб беринг», деди. Хўп, дедиму сўнгра ўйга толдим: қуваликларга улар ҳақида нима деб ҳикоя қиламан? Улар Қувага келиб, бир түп дарахт кўкартиришдими, бирон қувалик деҳқоннинг ҳол-аҳволини сўраб, корига ярашдими?

... Ёз бўйи қувалик деҳқон аёлларнинг қувонч ва ташвишларига озми-кўпми шерик бўлиб, улар билан дилдан суҳбатлашиб, саволларига жавоб тополганим, ўзим ўқиб бўлган газета-журналларни майли беш-ўн чоғли аёлларга бўлса-да, улашаётганимдан хурсандман. Шукроналар айтаман.

Кимнинг қаерда яшаши ўзига ҳавола, албатта. Лекин одамда бурч, ўзгалар дардини ҳис этиш туйғулари бўлгани яхши фазилатдир. Бир ўйлаб кўринг-а, сиз ўқиб одам бўлгач, ўз қишлоғингизга нечун қайтмадингиз?

Санъат МАҲМУДОВА

1999 йилингиз ризқ-насибали бўлсин!



Моҳи Рамазон ўқишлари

Аҳмад МУФТИЙ ўғли

МУБОРАК ОЙ

Мусулмон мамлакатларида у қандай кутиб олинади?

Давоми. Боши ўтган сонда.

ҚОҲИРАДА РАМАЗОН

Қоҳирада Рамазон дейилиши билан эсга тушадиган биринчи нарса «Рамазон фонуси» иборасидир. Бу ибора илк Фотимий халифа Муаззиз Лийдиниллаҳ давридан қолган. Милодий 973 йил Рамазоннинг ўн бешинчи кечасида Муаззиз Қоҳирага кирган. Қоҳира халқи — эркак-аёл, катта-кичик уни қаршилагани чиққанида, қўлларидаги машъалалару қуйлаган қўшиқлари унутилмас, ажойиб манзара ҳосил қилганди. У намойиш ўтиб кетди, аммо фонуслар ёдгор бўлиб қолди. Асрлар мобайнида аҳоли масжидларга, кечалари, айниқса, Рамазон кечалари тарових намозига масжидларга, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар зиёратига боришда бу фонусларидан фойдаланишарди. Фонус кўтарган болалар хизматлари эвазига чойчақа олишарди. Фотимийлар ҳам аҳолини ўзига оғдириш учун фонус кўтарган болаларга ҳадялар беришарди. Шундай қилиб, Рамазон фонуси кундан-кунга оммалаша борди ва аҳоли орасида анъанага айланиб, Рамазон ойининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Фонус ислом даврида ҳам қоронғуда масжидга бориш ва рўза тутганларга ишора қилиш учун қўлланиларди. Саҳарда фонуснинг сўндирилиши саҳарлик бошланганлигини билдирарди. Ривоятларга кўра, Мисрда фонуслар Жомиул-азҳар қурилишидан олти йил илгари ҳам қўлланилган экан. Бу вақт милодий 973 йил (362 ҳижрий)га тўғри келади.

Бошқа ривоятда айтилишича, фотимийлар замонида, асосан, Рамазон ойида кўчаларни шам ва қандиллар билан ёритиш ҳақида фармон чиқарилган. Бундан ташқари, болалар қўлларидаги шамлар билан уламолар йўлини ёритиб юришган. Кейинчалик шамлар фонус ичига қўйиладиган бўлди.

Ал-Муаззиз Лийдиниллаҳ аёлларнинг кечаси меҳмонга боришини таъқиқлаган, фақат Рамазон ойидагина фонус кўтарган бола ҳамроҳлигида юриш шарти билан кўчага чиқишларига изн берган. Фонус келаётган аёл киши эканлигини билдирар, эркаклар четга чиқиб, унга йўл беришини таъминларди.

Шундан буён Рамазон фонуси мисрликлар учун Рамазонни билдирувчи асосий белги бўлиб қолди. Шаъбон ойи келиши билан фонус ясаш авж оларди. «Саида Зайнаб» бозори фонуснинг ҳар тури топиладиган жонли бозорга айланарди. Ўтмишда ҳар хил фонуслар қўлланилган: Каъб фонуси, Фарук фонуси каби. Рамазон фонуси болалар қувончи ва эрмаги сифатида ҳозирги кунда ҳам мавжуддир.

ЖАЗОИРДА РАМАЗОН

Жазоирлик мусулмонлар ҳам Рамазонни катта ҳозирлик билан кутиб оладилар. Оила бошлиғи ўз қарамоғидагиларни бутун Рамазон ойига етадиган озиқ-овқатлар билан олдиндан таъминлаб қўяди.

Шаъбон ойининг йигирма тўққизинчи кунида одамлар ҳилолни кўриш учун кўчага чиқадилар. Рамазон бошланганлиги расмий равишда давлат томонидан эълон қилинади ва шу муносабат билан мусулмонлар қутланади. Одамлар ҳам бир-бирларини рамазон билан табриклайдилар. Бу муқаддас ойда мусулмонлар «Ё, Карим!», «Ё, Азим!» калималарини кўп қўллай бошлайдилар.

Жазоирликлар Рамазонни азиз меҳмон каби кутиб олишади. Бу ойда ҳар бир хонадон бекаси уйини тозалаб, янги келинникидай ясатиб қўяди. Ёшлигидан рўза тутишга одатлантирилган болалар ҳам рамазонни ўзига хос тайёргарлик билан кутиб олишади. Ўз қувончларини рамазон қўшиқлари орқали изҳор этишади.

Жазоирликлар ҳурмо ва сут билан оғиз очишади, сўнг мачитга чиқиб шом намозини адо этишади ва уйга қайтиб овқатланишади. Хуфтон вақти эса, хуфтон ва тарових намозларини ўқиш, диний сабоқ тинглаш, зикр тушиш, суҳбатлашиш учун яна мачитга чиқишади. Ёшлар Қуръон ўқиш ва хатм қилиш бўйича ким ўзарга мусобақалашишади. Рамазоннинг охирги кунида, айниқса, йигирма еттинчи кечасида Лайлатул Қадрни кутишади, бутун кечани ибодат билан ўтказишади. Азалий «Рамазон довули» чалиш одати кейинги пайтларда урфдан қола бошлади. Бу ойда бойлар эҳтиёжмандлар таъминоти учун одатдагидан кўпроқ пул ажратишади, ойнаи жаҳонда диний дастурлар сезиларли равишда ортади.

ФАСДА (МАРОКАШДА) РАМАЗОН

Фасда бу муборак ой гўзал тарзда қаршиланади, руҳониятга тўла тарзда кечади. Рўза ва намоз ибодатига риоят одамлар орасидаги ўзаро ҳурмат, иззат-икром ва қардошлик туйғулари кучаяди. Уй поклиги, қайта таъмирлаш, имкон қадар янги буюм олиш бу жараёнга ўзгача руҳ бағишлайди. Рамазон ҳилоли кўкда кўриниши биланоқ 21 марта тўп отилиб қутланади. Одамлар айниқса, болалар томларга чиқиб илоҳий туркулар (қўшиқлар) айтиб, доира чалиб ўз севинчларини билдирадилар. Тўп овозини эшитган аҳоли йўлга чиқади, бир-бирини табриклайди.

Рамазоннинг ўзига хос таоми «ҳарира» бўлиб, у сув, ун, гўшт, яшил нўхот, пиширидб эзилган нўхот ва тухумдан қилинади. Қовурилган ун, бодом, асал ва кунжутдан тайёрланадиган махсус емак ҳам мавжудки, унинг номи «жериш»дир. Ҳарис, кускус, бастила, бервитлар ҳам машҳур таомлар сирасига киради. Ичимликлардан чой ва ялпиз дамламаси кенг тарқалган.

(Давоми бор)

Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА таржимаси

1999 йилингиз ризқ-насибали бўлсин!

Эшитганмисиз?

САВОЛ? ЖАВОБ

(ҳикмат ўрнида)

— **Бошингда нима бор?**
— Тожи давлат.
— **Тилингда нима бор?**
— Калимаи шаҳодат.
— **Кўзингда нима бор?**
— Нури Муҳаммад.
— **Пешонангда нима бор?**
— Азали қисмат.
— **Кўнглингда нима бор?**
— Иймону муҳаббат.
— **Қулоғингда нима бор?**
— Қуръони тиловат.
— **Елкангда нима бор?**
— Фариштаи амалот.
— **Қўлингда нима бор?**
— Хайру саховат.
— **Белингда нима бор?**
— Камари ҳиммат.
— **Тиззангда нима бор?**
— Насибаи меҳнат.
— **Оёғингда нима бор?**
— Йўли ҳидоят.
— **Тепангда нима бор?**
— Соҳиби қудрат.
— **Остингда нима бор?**
— Мулки валоят(валилар).
— **Орқангда нима бор?**
— Аркони давлат.
— **Олдингда нима бор?**
— Рўзи қиёмат.

ДИЛОРОМ тайёрлади.

ҲАЙВОНЛАР РАНГЛАРНИ КЎРА ОЛАДИЛАРМИ?

Биз табиатдаги барча ҳайвонлар рангларни бемалол фарқлай олади деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, ҳайвонларнинг ичида рангларни кўра олмайдиган турлари ҳам бор.

Итларни берилган буйруқларни бажаришга осонликча ўргатиш мумкин. Улар одамларни яхши танийди. Ҳид билиш қобилиятлари кучли. Улар ҳатто мусиқа товушларини ҳам фарқлай оладилар. Аммо рангларни бир-биридан ажрата олмайдилар. Олимлар буни қандай аниқлаганлар.

Ҳар хил рангли карточкалар навбатма-навбат итга кўрсатилган. Маълум бир рангдан масалан, кўк рангли карточка кўрсатилгандан кейин овқат берилган. Бу ҳаракат бир неча марта такрорланган. Ниҳоят доимий овқатланиш карточкаси, яъни кўк рангли карточка кўрсатилган. Шунда итнинг оғзидан сўлак ажралмаган. Агар кўк рангни фарқлай оладиган бўлса, овқатнинг келишини билиб, оғзидан сўлак ажралиши керак эди. Демак итлар рангларни кўра олмайдилар.

Яшил баргли дарахтлар орасида кезиб, рангли мевалар ейдиган маймунларнинг рангларни фарқлай олишига гувоҳмиз. Уларнинг бундай ноёб иқтидори қандай аниқланганини биласизми? Бунинг учун бир хил қутилар танланган ва улар ҳар хил рангларга бўялган. Фақат бир рангнинг, масалан қизил тусли қутичага маймун хуш кўрган овқатлар қўйилган. Улар қисқа вақт ичида қизил қутида овқат борлигини билиб олишган. Кейин қутилар беркитиб қўйилган. Маймунлар эса овқат солинган қизил қутини очиб, мукофотни олишган.

Ўйлаб кўринг-чи, отлар ҳамма рангларни кўра олиши мумкинми? Бу жониворнинг қуриган сариқ ўтларни барра майсалардан фарқлай олишини яхши биламиз. Агар уни ям-яшил яйловларга қўйиб юборсангиз, ёйилиб қоринларини тўйдирадилар. Арилар ҳақида осон ҳукм чиқаришимиз мумкин. Мушук, кучуклар бу майда ҳашоратлардан зийраккроқдир. Аммо арилар рангнинг фарқига боради. Итларнинг мунчоқдек кўзлари рангни кўролмаганда ариларнинг нуқтадай кўзлари рангларни кўра олади. Нима учун? Чунки улар ягона асал ишлаб чиқарувчи машинадир. Кўк сумбулдан ҳаво ранг бинафшага, қизил лолага учадилар. Ранго-ранг, хилма-хил гуллардан тўплаган нектарларидан олтин рангдаги шифоли асал тайёрлайдилар. Арилар олимларнинг ранг имтиҳонларидан қандай ўтишди? Бунинг учун стол устига кўк ва қизил карточкалар қўйилиб, биринчи карточкага узлуксиз шарбат томизиб турилган. Ари ҳар safар шарбат учун кўк карточкага келган. Карточкаларнинг ўрни алмаштирилганда ҳам ари кўк карточкани танлаган. Ниҳоят энг катта имтиҳонда карточкалар бир-бирларига тираб қўйилган. На кўк карточкага, на қизил карточкага шарбат томизилмаган. Лекин асал ишлаб чиқарувчимизнинг ранг ажратиш қобилияти бўлгани боис ҳеч иккиланмай унга кўнган.

Эҳтиёж бўлмагани учун ит ва мушук ранг кўриш қобилиятига эга эмас. Кичкинагина ари эса зарур бўлгани учун рангларни айириш қобилиятига эга. Ҳатто кўзлари ҳам аниқ мақсадга кўра ҳисобли яратилган.

Баъзи балиқларнинг қизил ва яшил рангларни ҳатто кўк ва сариқни ҳам бир-биридан ажрата олишлари аниқланган.

Ҳайратда қолдирувчи нарса — товуқлар камалакдаги етти рангни фарқлай олишаркан! Воажаб, бунинг ҳикмати нимада? Буни эса сиздан сўраймиз, азиз газетхон.

Турк тилидан Дилрабо ХУДОЙБЕРГАНОВА таржимаси

ШИРВОНЛИК МОРБОЗ

Озарбойжоннинг Ширвон ҳудудидаги Зардоб шаҳрида истиқомат қилувчи Мирҳусайн Алиев ҳамманинг кўз ўнгида дуо ва афсун ўқиб қўшнисининг уйига ўрмалаб кирган илонларни бекинган жойидан чиқишига мажбур қилди. Аммо у дастлаб намозини адо этди, сўнгра ерга бўр билан доира чизди-да, ўзига маълум бир сеҳру жоду ёрдамида бегона уйга жойлашиб олган илонларни чақира бошлади. Бунга шоҳид бўлганларнинг айтишича, кўп кутишга тўғри келмаган: илонлар бирин-кетин чизилган доира сари ўрмалашиб келишганда, ўз хожаларининг амрини кутиб туришган. Шу билан бирга «судралувчи махлуқлар» ўзларини итоаткорона тутишиб, атрофдагилар учун ҳеч бир хавф-хатар туғдирмадилар.

Мирҳусайн Алиев болалик чоғларидаёқ илонларни авраш ҳунарини эгаллаган ва буни ўзига Аллоҳ инъом этган қобилият деб ҳисоблайди. У куну туннинг исталган маҳалида ва ернинг исталган жойида илонлар яшаётган ёки яшамаётганини бехато аниқлай олади. Агар улар бор бўлишса, албатта морбознинг дуоларини эътиборсиз қолдирмайдилар, у судралувчиларни тинчлантириш учун Қуръон суралaридан фойдаланади ва улар ўз инларидан чиқиб келадилар. Мирҳусайн Алиев илонларни батамом қириб юборишга қатъиян қарши бўлиб, одамларга улар билан дўстлашишни маслаҳат беради.

Ватан чинорини бўйлаётган насл

Газетамизнинг ушбу сонидаги суратларни фотомухбиримиз Турғунбек МАҲКАМОВ олган

САНАМДАН ОҚҚАН ҚОН

Қон оқувчи муқаддас ашёлар ҳақидаги қадимги ҳикоялар ўтган асрларда кўпчиликка маълум, лекин буни ҳамма ҳам жиддий қабул қилавермайди. Бундай воқеалар бизнинг кунларимизда ҳам воқеъ бўлиб турибди. «Санди пипл» рўзномаси 1976 йилнинг 11 январ сонида Бразилиянинг Порто-дас-Кайша қишлоғида бундан 300 йил бурун ясалган Исо алайҳиссаломнинг ҳайкали ҳақида хабар бераркан, тасвирнинг жароҳати белгили бўлиб турган жойидан оққан қон даволовчи таъсирга эга экани хусусида сўз юритади. Таҳлиллар бунинг чиндан ҳам қон эканлигини кўрсатди, лекин қоннинг кимга таллуқлиги номаълум эди.

1972 йили оҳактошдан ясалган бир санамдан ҳам қон оқа бошлади ва шу қадар кўп зиёратчиларни ўзига жалб этдики, черков маъмурлари Исо алайҳиссаломнинг тасвири парчаланган хочни мўъжиза эмас» деб эълон қилдилар. У ҳанузгача Сиракуздаги Питсилар оиласининг мулки ҳисобланади; қон доғи — ривоятга кўра, — рим легионери хочга тортилган Исо алайҳиссаломнинг найза билан зарб урган жойида пайдо бўлади. Питси оиласи аъзоларининкидан фарқли ўлароқ (уларнинг қони яхши ивимайди), бу қон лаҳза ўтмай ивийди.

ҚАНОТСИЗ ПАРВОЗ

«1934 йили ажиб ҳодисани бошдан кечиргандим, — деб ёзади москвалик нафақахўр Василий Евдокимович Вовченко. У вақтда мен 15 ёшда эдим. Августнинг офтобли кунлари, ғалла ўрими поёнига етган. Бир safар онам ўн икки чақирим узоқликдаги Городица тумани марказидан игна ва гугурт харид қилиб келишни буюрди...

Мен айтилган нарсаларни сотиб олиб, хуш бир кайфиятда уйга қайтардим. Ҳадемай тепаликдан боғимиз ва уйимиз кўзга ташланди. Мен чопқиллаб, сакраб-сакраб ҳайдалган далани кесиб ўта бошладим. Ва бирданига ўз-ўзимдан ердан икки-уч газ баландликда ҳавога кўтарилиб кетдим...

Уйимиз олдида акам Павло турарди. У мен билан нима юз берганини кўрибди. Иккаламиз далага қайтиб, уни кўздан кечирдик. Шудгор сатҳидан охирги зарб ила кўтарилган ва ерга қайтиб тушган жойимни осонгина топдим.

Кўтарилган ва тушган жойим орасидаги масофа ҳисобимизга кўра 60 қадамча келарди. Биз қўрқиб кетдик, чунки биз бўлиб ўтган ҳодисани тушунтириб беролмасдик. Бу «парвоз»нинг сири мени бугунгача қийнаб келади».

Мурод ХИДИР тайёрлади.

ЖИНЛАРНИ БАНД ЭТУВЧИ

ХЎЖА АЖВАНДИЙ (НАБИЙ МАШВАРАТ) АФСОНАМИ Ё ҲАҚИҚАТ?

Хўжа Ажвандий деб аталувчи машҳур қадамжо тўғрисида илмий-тарихий далилларга дуч келмадик ҳисоб. Аммо халқ ўртасида бу жойнинг хислати ҳақида турли фараз ва ривоятлар анчагина.

Ҳикоя қилишларича, «Ажвандий» сўзи «ажина банди» яъни жин, ажиналарни боғлайдиган, банди қиладиган маънони берармиш. Бундай дейишга ҳам асос йўқ эмас. Чунки «жин, ажина, пари таъсирида» руҳан касалланиб, ақлдан озганларни (халқда бу хилларни девона ҳам дейишади) худди шу жойга келтиришган. Улар бу ерда 7 кундан 40 кунгача гоҳ эркин (очиқ), гоҳ боғлиқ ҳолда сақланганлар. Мозористондаги чашма сувидан ичиш, шу сувга ювиниш жинни кишилар (руҳий касаллар)ни даволашга ёрдам берган. Аксарият касаллар дарддан буткул қутулганлар. (Ҳозир ҳам Хўжа Ажвандийдан шифо истаб турли вилоятлардан, ҳатто Туркманистон, Тожикистондан келувчиларни учратиш мумкин).

Хўш, Хўжа Ажвандий деган авлиё яшаб ўтганми? Бу саволга аниқ жавоб бериш мушкул. Жуда катта майдондаги қабристон ўрта қисмида мачит ва хонақоҳ бор. Ундаги қабрга Хўжа Ажвандий дафн этилган дейишади. Ўша жойдаги бироз кичикроқ қабр ул зотнинг авлодларидан Мискинхонга тегишли эмиш.

Яна бир фаразни айтмоқ керак. Ҳикоя қилишларича, Хўжа Ажвандийнинг ҳақиқий исмлари Наби Машварат экан. (Наби — пайғамбар, яъни Худонинг элчиси, Машварат — кенгаш маслаҳат маъноларини беради).

Нима сабабдан Наби Машварат деганлар? Аниқ далил йўқ. Аммо қуйидаги ривоят мавжуд.

Муҳаммад Пайғамбар иштирок этган бир жанг охирида ҳалок бўлган кишиларнинг жасадларини туяларга юклаб, уларни ўз уйжойларига олиб бориб дафн этмоқчи бўладилар. Бироқ шаҳидлар ортилган туялар ўринларидан қўзғалмайдилар. Бу ҳолни пайғамбарга билдиргач, сарвари олам жангда ҳалок бўлганларни шу ерда дафн этинглар, аммо дини ислом йўлида қурбон бўлганлар юртига хабарчи юборилсин, улар шаҳидларнинг жасоратлари, Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси тўғрисида машварат ўтказсинлар, дея кўрсатма берганмишлар. Шундан сўнг 18-19 ёшдаги бир йигит Хўжа Ажвандийга келиб Наби шаръи (пайғамбар шариати, йўл-йўриғи) тўғрисида машварат (кенгаш) уюштирган эмиш. Кейинроқ ўша жойда қолиб кетган ул каромати зот Наби Машварат — Хўжа Ажвандий номлари билан чор-атрофга довруғ таратганмиш.

Юқоридаги ривоятда мабодо ҳақиқат бир чимдимгина бўлса-да, у пайғамбаримиз яшаб ўтган узоқ даврга дахлдор эканлиги сир эмас. Яна бир ривоятда Наби Машваратнинг Хўжа Боязид Бастомий, Хўжа Абдуҳолиқ Ғиждувонийлар билан учрашиб турганликлари ҳикоя қилинади.

Доимо малла чакмон кийиб юргувчи Наби Машварат бозорма-бозор кезиб, қизиқ ҳикоятлар сўзларканлар. Ҳикоятларни маҳлиё бўлиб эшитувчилардан тушган пулларни эса бева-бечораларга, камбағал нотавонларга садақа айлар, ўзлари эса малла чакмонга ўралиб, ғорда фақирона истиқомат қиларканлар. (Балки ул зот ровийлиги (ривоятгўйлиги) учун «Машварат» деган номга муяссар бўлгандирлар).

Бир ҳақиқатни мухлисларга айтиш жоизки, Ажвандий қабристони тарихий милоддан аввалги IV асрга бориб тақалувчи Лавандоғ қабристонлари билан ёнма-ён, ҳатто туташ. Демак, Ажвандий мозористони мусулмончиликдан аввал ҳам мавжуд бўлган дея хулоса чиқаришимизга асосимиз бор.

Хўжа Ажвандий қабристонидаги хонақоҳ 1996 йилда тадбиркор Файзулло Ёвқочдиев ташаббуси билан таъмирланди.

Умид САТТОРОВ, меҳнат фахрийси. Қизилтепа



Соғинтириб ёққан қор...

ИЛҲОМ ТАСВИРЛАРИ

1998 йилда Қозоғистонда Марказий Осиё санъати фонди ташкил этилди ва декабр ойида ушбу фонднинг биринчи симпозиуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ҳамда Литва республикаларининг истеъдодли рассом ва ҳайкалтарошлари иштирок этдилар. Ўзбекистоннинг таниқли график ва ранг-тасвир усталари Медат Кагаров, Жамол Усмонов ва Ғафур Қодировлар мазкур симпозиумда қатнашдилар.

Юртимиз ижодкорлари мазкур анжумандан катта илҳом таассуротлари ва тасвирлари билан қайтдилар.

Гулнора РАҲМОН

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 082.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Шерали НИШОНОВ.